*Адолат ҳар ишда ҳамроҳимиз ва дастуримиз бўлсин!*

# ИНСОН ва ҚОНУН

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

● 2008 йил 20 май ● сешанба ● № 22-23 (582) ● e-mail: inson_va_qonun@mail.ru

## "БАРКАМОЛ АВЛОД – 2008"



*Нукусда бўлиб ўтаётган республика «Баркамол авлод — 2008» спорт ўйинларининг илк ғолиблари — К.Тўхтаева, В.Есипова*

Муҳаммад Амин (ЎзА) олган сурат.

● Матонат

## ЧЎҚҚИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН

**Бундан роппа-роса ўн йил илгари дунёнинг энг баланд нуқтаси — Ҳимолай тоғларининг ЭВЕРЕСТ ЧЎҚҚИСИДА Ўзбекистон байроғи ҳилпираган эди.**



**Денгиз сатҳидан 8848 метр баландликда, Эверест чўққисида турган Ўзбекистон фуқароси Рустам Ражабов рация орқали ундан атиги 100 метр пастда турган экспедициянинг бошқа аъзолари ва Хитой Халқ Республикаси алоқа офицерига чўққини узил-кесил забт этгани ва мамлакат байроғини қадагани ҳақида хабар берди. Қоида шунақа: — икки мамлакат Хитой ва Непал ҳудудида жойлашган чўққига қайси мамлакатдан ўтадиган йўналишдан чиқилган бўлса, ўша давлат вакили бу муҳим воқеага гувоҳ бўлиб, махсус китобга қайд қилиб қўяди. Неча кунлик йўл машаққати, 40-50 даража совуқ, кислород тақчиллиги ўз таъсирини ўтказган альпинистларга ғойибдан куч келгандек бўлди, қувонч билан ҳайқирдилар. Тўғриси, бу садоларни ўзлари ҳам эшитмадилар — баландликда қаттиқ шамол эсади... 1998 йил 22 май — Ўзбекистон альпинистлари Эверест чўққисини забт этган кун сифатида тарихга кирди. Тўрт кун давомида экспедициянинг бошқа аъзолари — жами ўн бир альпинистнинг қадами машҳур чўққига етиб, улар энг баланд нуқтадан туриб, дунёга боқиш сururини туйдилар. Мухбиримиз ана шу экспедиция иштирокчиларидан бири — Илёс Тухватуллин билан учрашди.**

⑧




## Тизим тадбирлари

### СИМ ОРҚАЛИ МУЛОҚОТ

**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, вазирлик ҳузуридаги Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг амалга оширилиши устидан мониторинг қилиш Маркази, Олий суд, Жиззах вилояти ҳокимлиги, адлия, ички ишлар бошқармалари вакилларидан иборат ишчи гуруҳи вилоятдаги ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, корхона, ташкилот ва муассасалар раҳбарлари иштирокида "Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги Қонуннинг моҳияти тўғрисида тадбир ўтказди.**

Вилоят ҳокимлиги биносида уюштирилган ушбу сим орқали мулоқотда қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари, фермер хўжаликлари раислари, мактаб директорлари ва аҳолининг баъзи муаммоларининг қонуний ҳал этилиши юзасидан берган саволларига атрофлича жавоблар қайтарилди.

Иштирокчилар кун тартибидаги масала юзасидан ўз таклифларини билдирдилар.

**Абдулла РАВШАНОВ,**
**Жиззах вилояти адлия бошқармаси ходими**

### ТАРҒИБОТНИ ЖОНЛАНТИРИШ ЙЎЛИДА

**Фарғона вилояти ҳокимлигида "Жамият аъзоларининг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришда оммавий ахборот воситаларининг ўрни ва аҳамияти" мавзуида семинар бўлиб ўтди.**

Вилоят адлия бошқармаси томонидан ташкил этилган мазкур тадбирда вилоят ҳокимлиги, журналистлар ижодий уюшмаси вилоят бўлими, Адлия вазирлиги, Олий Мажлис Сенати, вилоят ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари вакиллари, вилоят телерадиокомпанияси, маҳаллий нашрлар ва марказий газеталарнинг вилоятдаги мухбирлари иштирок этишди.

Семинарда ҳуқуқий тарғиботни юксалтириш йўлида вилоятда амалга оширилган ишлар, ҳуқуқий мавзуни ёритиш бўйича тўпланган тажрибалар ҳамда бу борадаги мавжуд муаммолар муҳокама қилинди.

Тадбир якунида "Энг яхши телелавҳа", "Энг яхши радиоэшиттириш", "Энг яхши интернет материаллари" танлови ҳам эълон қилинди.

**Хуршид СУЛТОНОВ,**
**"Инсон ва қонун" мухбири**

### ГУВОҲНОМАНИ РАСМИЙЛАШТИРИШ

**Сирдарё вилояти адлия бошқармаси ташаббуси билан Мирзаобод туманининг Наврўз қўрғонида қишлоқ аҳолисининг ҳуқуқий ва тиббий маданиятини янада юксалтириш масалалари юзасидан семинар бўлиб ўтди.**

Унда сўз олган адлия бошқармаси етакчи маслаҳатчиси Гулҳаё Расулованинг муддати ўтган туғилиш ва ўлим ҳолатларини қайд этиш, тиббий ёрдамсиз уйда туғилган болаларга гувоҳнома расмийлаштириш бўйича фикр-мулоҳазалари йиғилганларда қизиқиш уйғотди.

Семинар ишида вилоятдаги тажрибали юристлар, қишлоқ фуқаролар йиғинлари раислари, туман ҳокимлиги масъул ходимлари ва туман соғлиқни сақлаш бўлими раҳбарлари иштирок этдилар.

**Набижон БАДАЛОВ.**
**Сирдарё вилояти адлия бошқармаси ходими**

### МАСЪУЛИЯТ ТАЛАБИ

**Андижон вилояти адлия бошқармаси ташаббуси билан Андижон Давлат университетида "Жамият аъзоларининг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришда оммавий ахборот воситаларининг ўрни ва аҳамияти" мавзуида семинар ўтказилди.**

Тадбирда фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ходимлари билан бир қаторда журналистлардан ҳам катта масъулият талаб этилиши, кенг омма ўртасида тарғибот-ташвиқот ишларини амалга оширишда ўзаро ҳамкорлик муҳим аҳамият касб этиши, материаллар сифатини яхшилаш ҳамда республика ва маҳаллий оммавий ахборот воситалари ходимлари билан ижодий алоқани янада мустаҳкамлаш зарурлиги таъкидланди.

**Камолиддин ЖАЛОЛИДДИНОВ,**
**Андижон вилояти адлия бошқармаси ходими**

### ИЗЧИЛЛИК ТАЪМИНЛАНАДИ

**Фуқароларнинг ҳуқуқий онги, маданиятини юксалтириш, қонунчилик тарғиботи изчиллигини таъминлашда ОАВнинг ўрни ва аҳамияти беқиёс. Наманган вилояти адлия бошқармаси ташаббуси билан ўтказилган семинар-кенгаш ана шу мавзуга бағишланди.**

Адлия вазирлиги Ахборот хизмати катта маслаҳатчиси Т.Тўраев, Олий Мажлис Сенати аъзоси А.Ҳакимов ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, суд-ҳуқуқ идоралари билан ОАВ ходимларининг ўзаро ҳамкорлиги, ҳамжиҳатлигини мустаҳкамлаш, лозим бўлса уни янги босқичга кўтариш лозимлиги ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Тадбир якунида "Энг яхши телелавҳа", "Энг яхши радиоэшиттириш", "Энг яхши интернет материаллари" танловини эълон қилиш ҳақида келишиб олинди.

**Абдуҳошим МАДАТОВ,**
**"Инсон ва қонун" мухбири**

### СЕМИНАР ЎТКАЗИЛДИ

**Қарши шаҳрида Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш Департаменти Қашқадарё вилоят ҳудудий бошқармасида "Суд департаменти Қашқадарё вилоят ҳудудий бошқармаси ва унинг тизимида ижро интизомини яхшилаш, ижро иш юритувини такомиллаштириш, ходимлар масъулиятини ошириш — муваффақиятлар гарови" мавзуида семинар бўлиб ўтди.**

Унда Суд департаменти Қашқадарё вилоят ҳудудий бошқармаси масъул ходимлари ҳамда ҳудудий бўлимларининг суд ижрочилари қатнашдилар. Семинарда Ўзбекистон Республикасининг "Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида"ги Қонуни талабларидан келиб чиқиб, суд ижрочилари олдида турган вазифалар атрофлича ўрганилди. Суд ижрочиларининг билим ва кўникмаларини мунтазам равишда ошириб бориш масалалари ҳам ўртага ташланди.

Ушбу мавзудаги семинар Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти Сурхондарё вилоят ҳудудий бошқармасида ҳам бўлиб ўтди.

Мазкур семинарларда Адлия вазирлигининг масъул ходимлари ўз фикр-мулоҳазалари билан иштирок этдилар.

**Шерзод РАББИЕВ,**
**Адлия вазирлиги масъул ходими**

## МУРОЖААТЛАР «ИНСОН ва ҚОНУН» НИГОҲИДА

### ТЕКШИРИШ ТЎЛИҚ ЎТКАЗИЛМАГАН

**Фуқаро Зебо Шарипованинг "Инсон ва қонун" ҳуқуқий газетасига ёзган аризаси ҳужжатлари билан ўрганилди.**

Аниқланишича, 2008 йил 8 февраль куни, фуқаро Акмал Ҳамроев микроавтобусни бошқариб бораётиб, Ромитан тумани ҳудудидан ўтувчи автомобиль йўлининг 243-километрига етганида, З.Шарипованинг ўғли Сухроб Аҳмедовни уриб юборган ва натижада С.Аҳмедов воқеа жойида вафот этган.

Мазкур ҳолат юзасидан вилоят ИИБ ТБ МТГ терговчиси З.Давронов томонидан текшириш ўтказилиб, 2008 йил 19 февраль куни Жиноят процессуал кодексининг 83-моддаси, 2-қисмига кўра, жиноят иши қўзғатишни рад этиш ҳақида қарор қабул қилинган. Мазкур қарорнинг қонунийлиги вилоят прокуратурасида ўрганилганда, текшириш тўлиқ ўтказилмаганлиги аниқланиб, қўшимча текширувга юборилди.

**Б.ТАЙЖАНОВ,**
**Бухоро вилояти прокурори,**
**3-даражали давлат адлия маслаҳатчиси**



### КАССАЦИЯ ТАРТИБИДА КЎРИЛАДИ

Фуқаролар Соҳибов Улуғбек, Соҳибова Лола, Давлатов Феруз, Шарипов Нурали, Қораев Лазиз, Зайниев Лазиз ва Зайниев Абдулазизларнинг "Инсон ва қонун" ҳуқуқий газетасига ёзган аризасида уларга тегишли мол-мулклар ноқонуний олинганлиги кўрсатилган бўлиб, ҳозирда ушбу ҳолат юзасидан муқаддам тўпланган ҳужжатлар бўйича маъмурий ҳуқуқбузарлик иши жиноят ишлари бўйича Сирдарё вилояти суди томонидан кассация тартибида кўрилмоқда.

**Б.АБДУРАҲМОНОВ,**
**Оқ олтин тумани прокурори,**
**адлия маслаҳатчиси**

### ЖАЗО МУҚАРРАРЛИГИ ТАЪМИНЛАНАДИ

**Сурхондарё вилоят прокуратураси томонидан Шеробод тумани, "Охунбобоев" маҳалласи, Б.Зокиров номли кўчаси, 2-уйда яшовчи фуқаро Қ.Култўраевнинг таҳририятга уйидан ўғирланган 2 бош қорамоли топилмаётганлиги хусусида йўллаган аризаси ўрганиб чиқилди.**

Аниқланишича, 2007 йил 25 май кунидан 26 май кунига ўтар кечаси номаълум шахслар томонидан фуқаро Қ.Култўраевнинг ҳовлисидан 2 бош қорамол яширин равишда ўғирлаб кетилган.

Мазкур ҳолат бўйича 2007 йил 27 март куни Шеробод туман ички ишлар бўлими тергов бўлинмаси терговчиси А.Умаров томонидан Жиноят кодексининг 169-моддаси 2-қисми "г" банди билан жиноят иши қўзғатилиб, дастлабки тергов ҳаракатлари олиб борилган.

Тергов ҳаракатлари давомида иш бўйича айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиниши лозим бўлган шахс аниқланмаганлиги сабабли, 2007 йил 20 июнь куни Жиноят процессуал кодексининг 364-моддаси 1-қисми 1-банди билан жиноят иши ҳаракатдан тўхтатилган.

Мазкур жиноят иши Шеробод туман прокуратураси томонидан ўрганиб чиқилиб, 2008 йил 2 май куни жиноят иши юзасидан қабул қилинган қарор бекор қилинди.

Ҳозирги кунда мазкур жиноят иши юзасидан кейинги тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Содир этилган жиноятни фош этиш ва жазо муқаррарлигини таъминлаш юзасидан барча қонуний чоралар кўрилмоқда.

**А.НИЯЗОВ,**
**Сурхондарё вилоят прокурорининг ўринбосари,**
**адлия катта маслаҳатчиси**

### АЖРИМ ЎЗГАРТИРИЛДИ

**Қашқадарё вилояти прокуратураси органлари томонидан Қарши шаҳар, Кунчиқар кўчаси, 24-уйда яшовчи фуқаро Х.Хўжамовнинг фуқаролик ишлари бўйича Қарши туманлараро ва вилоят судининг ҳал қилув қароридан норозилиги ҳақидаги аризаси ўрганилди.**

Аниқланишича, фуқаролик ишлари бўйича Қарши туманлараро судининг даъвогар Х.Хўжамовнинг жавобгар А.Шодмонов, С.Бердияров ва Қарши шаҳар нотариуси Ю.Узоқовга нисбатан ҳоким қарорини ва олди-сотди шартномасини ҳақиқий эмас деб топиш ҳамда қарши даъвогарлар А.Шодмонов, С.Бердияровларнинг даъволарига асосан фуқаролик ишлари бўйича Қарши туманлараро судининг 2007 йил 26 июндаги ҳал қилув қарори вилоят фуқаролик ишлари бўйича апелляция судлов ҳайъатининг қарори билан ўзгаришсиз қолдирилган ва фуқаро Х.Хўжамовнинг аризаси рад этилган.

Фуқаролик ишлари бўйича Қарши туманлараро суди ва апелляция судлов ҳайъатининг юқорида кўрсатилган қарорлари вилоят прокуратураси томонидан келтирилган назорат тартибидаги протестга асосан вилоят назорат инстанциясининг 2008 йил 20 февралдаги ажрими билан ўзгартирилди.

**М.КАРИМОВ,**
**Қашқадарё вилояти прокурори ўринбосари,**
**адлия катта маслаҳатчиси**

**Маълумки, 2008 йил 2 майда Президентимизнинг "Ўзбекистон Республикасида Адвокатура институтини янада ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони эълон қилинди. Мазкур Фармон моҳият-эътибори билан фуқаролик жамиятининг муҳим институтларидан бири — адвокатура тизимини янада такомиллаштириш ҳамда унинг жамиятдаги мавқеини мустаҳкамлашга хизмат қилади.**

# АДВОКАТУРА ТИЗИМИДА МУҲИМ БОСҚИЧ

## инсон ҳуқуқлари ва ҳимояси кафолатланади

Айтиш жоизки, истиқлол йилларида мамлакатимизда адвокатура фаолиятини тартибга солувчи, хусусан, адвокатларнинг дахлсизлиги ва эркин фаолият кўрсатишларини кафолатловчи ҳуқуқий-норматив мезон яратилди. Чунончи, Конституциямизнинг 116-моддасида **"Айбланувчи ҳимояланиш ҳуқуқи билан таъминланади. Тергов ва суд ишини юритишнинг ҳар қандай босқичида малакали юридик ёрдам олиш ҳуқуқи кафолатланади. Фуқароларга, корхона, муассаса ва ташкилотларга юридик ёрдам бериш учун адвокатура фаолият кўрсатади. Адвокатурани ташкил этиш ва унинг иш тартиби қонун билан белгиланади"**, дея белгилаб қўйилган. Шунингдек, **"Адвокатура тўғрисида"**ги ва **"Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида"**ги қонунларнинг қабул қилиниши адвокатура институтининг изчил ва самарали фаолият кўрсатишида муҳим ҳуқуқий омил бўлди, десак янглишмаймиз. Мазкур қонунларнинг қабул қилиниши белгиланган тартибда адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияни олган шахс ўз адвокатлик бюросини очиб, якка тартибда фаолият кўрсатиши ёхуд ихтиёрийлик асосида бошқа адвокатлар билан ҳайъатлар ва фирмалар ташкил этишига кенг йўл очиб берди. Бунинг самараси ўлароқ, соҳада соғлом рақобат юзага келди ва кўрсатиладиган юридик хизматларнинг сифат даражаси сезиларли даражада ортди. Шунинг баробарида адвокатнинг шахси, уйи ва иш жойи ҳамда унга тегишли алоқа воситаси дахлсиз эканлиги белгиланди. Адвокатни ушлаб туриш, қамоққа олиш, кўздан кечириш ва тинтув ўтказиш қонун асосида тартибга солинди. Пировардида адвокатларнинг нуфузи ортди ва жамиятдаги ўрни янада мустаҳкамланди.

Бироқ адвокатура тўғрисидаги қонун ҳужжатларида тизимга оид айрим масалаларнинг қамраб олинмаганлиги аён бўлди ва оқибатда ушбу соҳада айрим муаммолар вужудга келган эди. Айтайлик, адвокатлар учун ягона касб этикаси қоидалари мавжуд эмасди ва бунга риоя этилишини назорат қилувчи механизм шакллантирилмаганди. Қолаверса, адвокатлик фаолиятини лицензиялаш тизимини ҳам талаб даражасида деб бўлмасди. Маълумотларга кўра, республикамизда 7000 нафарга яқин шахслар адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияга эга бўлса-да, улардан атиги 4000 нафари адвокатлик фаолияти билан мунтазам шуғулланган. Бундан адвокатлар фаолияти изчиллиги умумий назоратдан бир мунча четда қолганлигини англаб олиш мушкул эмас. Бинобарин, 23 та адвокатлар ҳайъати, 400 дан ортиқ адвокатлар фирмаси ва 400 дан ортиқ адвокатлик бюросида фаолият кўрсатаётган адвокатларнинг 50 фоизга яқини Ўзбекистон Адвокатлар ассоциациясига аъзо бўлиб, уларнинг иш сифатини назорат қилиш ҳам бир мунча мушкуллик туғдирарди.

Мазкур Фармоннинг эълон қилиниши адвокатуранинг самарали ўзини ўзи бошқарадиган марказлаштирилган тизими — республикамиздаги барча адвокатларнинг мажбурий аъзолигига асосланган Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатасининг Ўзбекистон Адвокатлар Ассоциацияси негизида ташкил этилиши муҳим аҳамият касб этади. Зотан, Фармонда қайд этилган адвокатура тизими яхлитлигини таъминлайдиган, адвокатлар бирлигини кучайтирадиган мустақил фаолият юритувчи нотижорат ташкилот ташкил этиш, қисқа фурсатда ўз самарасини беради, дея ишонамиз. Фармонда айниқса, адвокатлик тузилмалари ваколатларини аниқлаштириш ва ҳуқуқий мақомини белгилаш долзарб вазифа этиб қўйилдики, бу албатта, адвокатура фаолиятини янада такомиллаштиради ва аҳолининг юридик ёрдам олишини осонлаштиради.

Тан олиш жоизки, яна бир жараён — судлов процессида айбланувчининг ҳуқуқини таъминлашда адвокатнинг сифатли юридик ёрдами муҳим аҳамият касб этади. Амалдаги қонунчиликда айрим тоифадаги шахсларга ва ижтимоий кам таъминланган аҳоли қатламига жиноят ишлари бўйича дастлабки тергов ва суд жараёнларида давлат маблағлари ҳисобидан адвокатлик ёрдами кўрсатиш белгиланган. Яъни қонунда кўрсатилганидек, фуқаро ўзини ҳимоя қилиш учун адвокат ёрдамини олмоқчи бўлса-ю, бунга моддий таъминоти етарли бўлмаса, ишга адвокат жалб этилади. Унинг хизмат ҳақи, терговчи, прокурорнинг қарори ва суднинг ажрими билан давлат ҳисобидан тўлаб берилади. Бундай маблағ маҳаллий ҳокимият органлари ҳисобидан ажратилиши кўзда тутилган. Бироқ, айрим ҳолларда у ёки бу сабабларга кўра мазкур манбадан пул маблағлари етарли ажратилмаслиги боис адвокатларга давлат ҳисобидан қатнашган ишлари учун ўз вақтида иш ҳақи тўлашда айрим тўсиқлар юзага келарди. Қолаверса, адвокат дам олиш кунларида ишлагани ва шу иш юзасидан хизмат сафарида бўлгани учун меҳнат қонунчилиги талаблари асосида ҳақ тўлаш ва хизмат сафари харажатларини қоплаб бериш тизимга оид ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларда кўрсатилмаган эди.

Мазкур Фармонда бу каби ҳолатлар эътиборга олинди ва адвокатларга юқоридаги сингари зарур ҳолларда давлат томонидан ҳақ тўлаш тартибини қайта кўриб чиқиш бўйича таклифлар киритиш мутасадди ташкилотлар зиммасига юклатилди. Фармонда айнан шу масалага ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Бунда адвокатликка номзод шахсларнинг малакасига нисбатан талабларни кучайтириш, уларнинг юридик соҳада иш тажрибасига эга бўлиши ва адвокатлик тузилмаларида амалиёт ўташи ҳамда адвокатлар мунтазам равишда ўз касбий малакасини ошириб боришга мажбурлиги белгиланган.

Яна бир муҳим масала: Амалдаги қонунчилигимиз, айниқса, Фуқаролик процессуал кодексида белгиланган вакиллик институтини такомиллаштириш лозимлигини даврнинг ўзи тақозо қилаётган эди. Зеро, айрим ҳолларда ўз ваколатини суиистеъмол қилгани туфайли лавозимидан озод этилган юристлар, ҳатто юридик маълумотга эга бўлмаган шахслар фуқаролик ва хўжалик судларида вакиллик ишини тирикчилик манбаига айлантириб олганди. Бу ўз навбатида судга мурожаат қилувчиларнинг ҳақли эътирози ва ўринли шикоятларига сабаб бўлаётган эди. Фармонда "Ҳуқуқшунослик соҳасида махсус билимга эга бўлмаган шахсларнинг суд ишида иштирок этишига йўл қўймасликка қаратилган тарафлар вакиллиги институтини босқичма-босқич такомиллаштириш" вазифасининг қўйилиши юқоридаги каби салбий ҳолатларга барҳам беради, деган фикрдамиз. Эндиликда мамлакатимизнинг барча ҳудудларида аҳолига малакали юридик хизматлар кўрсатувчи юридик маслаҳатхоналар фаолияти борасида алоҳида тўхталиш жоиз. Бундай маслаҳатхоналарда фаолият кўрсатаётган адвокатларнинг аксарияти амалий бой тажрибаси билан ҳурмат қозонган. Бироқ уларни замонавий моддий техника билан таъминланган ва компьютерлашган тезкор юридик хизмат кўрсатиш имкониятига эга, деб айтолмаймиз. Шунга кўра, янги ташкил этилаётган Адвокатлар палатаси зиммасига республика туман ва шаҳарларида юридик маслаҳатхоналарни ташкил этиш вазифаси юклатилди. Адвокатлар палатаси томонидан адвокатура фаолияти тўғрисидаги статистик маълумотларни ўрганиш, таҳлил қилиш ва адвокатларнинг ижобий иш тажрибасини оммалаштириш ҳамда адвокатлик тузилмаларига услубий ёрдам кўрсатиш вазифаси ҳам юкландики, бу адвокатура институти нуфузини ошириш имконини беради.

Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатаси ўзининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида тузиладиган ҳудудий тузилмалари билан биргаликда адвокатуранинг ягона ўзини ўзи бошқариш тизимини ташкил этади.

Адвокатларнинг бундай марказлаштирилган тизими хорижий мамлакатлар, жумладан, Германия, Россия, Хитой, Япония амалиётида ҳам ижобий самара бераётир. Шунинг баробарида Президентимиз Фармонида адвокатурага оид халқаро андозаларга мувофиқ, адвокатга нисбатан интизомий таъсир чорасини қўллайдиган орган адвокатура тизимида жорий этилиши таъкидланган.

Умуман олганда, Президентимизнинг **"Ўзбекистон Республикасида адвокатура институтини янада ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида"**ги Фармони нафақат барча адвокатлар, балки юксак ҳуқуқий саводхонлик сари интилаётган халқимиз томонидан ҳам катта мамнуният билан кутиб олинди. Боиси, Фармонда белгиланган муҳим чора-тадбирлар ижросини таъминлаш энг аввало, аҳолига янада сифатли юридик ёрдам кўрсатилишини таъминлайди. Қолаверса, адвокатлар палатаси аъзоларидан мунтазам равишда келиб тушадиган аъзолик бадаллари адвокатуранинг моддий-техника таъминоти, адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси, уларнинг касб малакаларини ошириш билан боғлиқ иқтисодий-ижтимоий муаммоларни мустақил ҳал этишга замин яратади.

Шубҳасиз, мазкур Фармоннинг амалиётга татбиқ этилиши **"Адвокатура тўғрисида"**ги ва **"Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида"**ги қонунларга қўшимча ва ўзгартишлар киритишни тақозо этади. Адлия вазирлиги тегишли вазирликлар ва идоралар билан ҳамкорликда бу борада бир қатор чора-тадбирларни амалга оширмоқда.

**Есемурат КАНЬЯЗОВ,**
**Адлия вазири ўринбосари**

● Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

# ОҚЛОВЧИ – АДОЛАТНИ ЁҚЛОВЧИ

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик ва суд -ҳуқуқ масалалари қўмитаси томонидан "Ўзбекистон Республикасида адвокатура институтини янада ислоҳ қилишни ҳуқуқий жиҳатдан таъминлаш" мавзусига бағишланган давра суҳбати ўтказилди.**

Тадбирда бугунги кунда адвокатура институтининг тубдан ислоҳ қилингани, унинг янгича кўринишга эга бўлганлиги ва бунинг натижасида адвокатларнинг жамиятдаги ўрни сезиларли даражада ошганлиги, адвокатура институтининг ҳуқуқий асослари яратилиши эса, адвокатларимизнинг ҳуқуқий эркинликларини тўлиқ таъминлаганлиги борасида сўз юритилди.

Мамлакатимизда самарали юридик ёрдам кўрсатишда Ўзбекистон Республикасининг **"Адвокатура тўғрисида"**ги ва **"Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида"**ги қонунлар муҳим аҳамиятга эга. Айнан юқоридаги қонуннинг самараси ўлароқ, бугунга келиб мамлакатимиз адвокатура тизимида ижобий ўсиш кузатилмоқда.

Масалан, 1996 йилда мамлакатимизда 1800 нафар адвокат фаолият кўрсатган бўлса, эндиликда 6000 нафардан зиёд адвокатлар инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишдек савобли жабҳада фаолият кўрсатмоқда.

Тадбирда Президентимизнинг **"Ўзбекистон Республикасида адвокатура институтини янада ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида"**ги Фармонининг мақсади ва аҳамияти ҳақида алоҳида тўхталиб ўтилди. Йиғин иштирокчилари Фармонда адвокатура мамлакатда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислоҳотларини янада чуқурлаштиришда, адвокатуранинг ташкилий мустақиллигини таъминлашда, адвокатлик касбининг обрў ва нуфузини оширишда, фуқароларнинг тергов ва суд ишларини юритишнинг ҳар қандай босқичида малакали юридик ёрдам олиш ҳуқуқини кафолатлаш борасида амалга ошириладиган ислоҳотларнинг асосий йўналишларининг белгиланганлиги ҳақида сўз юритишди.

Фармонда биринчи бор норматив ҳуқуқий ҳужжат доирасида адвокатуранинг фуқаролик жамияти институти эканлигининг қайд этилиши, жамиятимизда ҳуқуқий демократик давлат қуришда ва фуқаролик жамиятини шакллантиришда адвокатура институтининг қанчалик муҳим ўрин тутишидан далолат беради.

Давра суҳбати иштирокчилари Фармон ижроси юзасидан олиб бориладиган ишлар ва адвокатура фаолияти билан боғлиқ қонунларга ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги қонун лойиҳалари ҳақида ҳам фикр алмашдилар ва қонун ҳужжатлари лойиҳаларини тайёрлашда яқиндан ҳамкорлик қилиш бўйича ўзаро келишиб олдилар.



Давра суҳбати иштирокчилари томонидан алоҳида таъкидлаб ўтилганидек, адвокатлар ижтимоий табибдирлар. Агар инсон соғлиғида муаммо бўлса, шифокорга учрашади, аммо ҳуқуқий муаммога учраса-чи? Албатта, бундай вақтда уларга адвокатлар ёрдамга келади. Шундай экан, жамиятда инсоннинг ҳуқуқий халоскорига айланган адвокатура институтини янада ривожлантириш, унга малакали мутахассисларни жалб қилиш жуда муҳим. Шунингдек, тадбирда сўзга чиққанлар адвокатлар, яъни оқловчилар — адолатни ёқловчилар эканига ҳам алоҳида урғу беришди.

**Дилфуза ЭРГАШЕВА,**
**"Инсон ва қонун" мухбири**

# ХОРИЖ САРМОЯСИ АСОСИДА

Наманган вилояти адлия бошқармаси Учқўрғон туман ҳокимлигида "Тадбиркорликни ривожлантиришга кўмаклашиш, тадбиркорлик субъектлари ва хусусий мулк эгаларининг, хорижий инвесторлар ва хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш соҳасида Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг вазифалари" мавзуида семинар-кенгаш ўтказди. Унда вилоят давлат солиқ, божхона ҳамда ташқи иқтисодий алоқалар, инвестиция ва савдо бошқармалари раҳбарлари, кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектлари вакиллари иштирок этди.

Туманга хорижий инвестицияларни жалб этган ҳолда корхоналар ташкил қилиш ва улар фаолиятини қонунчиликда белгиланган имтиёз ва қулайликлар асосида олиб бориш, адлия идоралари томонидан уларнинг ҳуқуқий ҳимоя қилиниши кафолатланганлиги, чет эл сармояси иштирокидаги корхоналарни давлат рўйхатидан ўтказишнинг ҳуқуқий асослари, шунингдек, уларга божхона ва солиқ қонунчилигида назарда тутилган енгилликлар бериш хусусида атрофлича фикр юритилди.

Семинар иштирокчилари кун тартибидаги масала юзасидан ўзларининг таклиф ва мулоҳазаларини билдирдилар.

**Алижон ОЧИЛОВ,**
**Наманган вилояти адлия бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари**

***

**Суратларда: семинар-кенгашдан лавҳалар.**





**Сурхондарё вилояти адлия бошқармаси томонидан бошқарманинг иш режасига кўра, ТИФ «Миллий банк» Жарқўрғон филиалида тадбиркорликка оид қонун ҳужжатларининг ижроси ўрганилди ва ноқонуний ҳолатларга йўл қўйилганлиги аниқланди.**

● Адлия ёрдам берди

# МАБЛАҒ ЭГАСИГА ҚАЙТАРИЛДИ

Хусусан, "ЎзТаэкванДо" ассоциацияси Жарқўрғон бўлимининг 2008 йил 3 январдаги "Усмон Соатмуродович" фермер хўжалиги ҳисоб рақамидан пул маблағини ҳомийлик учун ўтказиб бериш тўғрисидаги тўлов талабномаси банк томонидан ноқонуний равишда қабул қилиниб, 2008 йил 11 январь куни фермер хўжалиги раҳбарининг розилигисиз ижрога қаратилган. Ваҳоланки, "ЎзТаэкванДо" ассоциацияси Жарқўрғон бўлими бу тарзда маблағ ундириш ваколатига эга эмас.

Ушбу қонунбузилиш ҳолати юзасидан «ТИФ Миллий банк» Сурхондарё вилояти филиалига киритилган тақдимноманинг натижаси бўйича берилган жавоб хатида мазкур филиалнинг масъул ходимлари тегишли интизомий жавобгарликка тортилганлиги қайд қилинган бўлса-да, ноқонуний равишда ижрога қаратилган пул маблағини фермер хўжалигига қайтариш чоралари кўрилмаган.

Ушбу маблағ фермер хўжалиги ҳисоб рақамига қайтариб ўтказиш тўғрисида киритилган талабнома асосида тадбиркорлик субъектининг ҳуқуқи тўлиқ тикланди.

**Қоржов ЧОРИЕВ,**
**Бахтиёр ТОЖИЕВ,**
**Сурхондарё вилояти адлия бошқармаси масъул ходимлари**

# Тизим тадбирлари

**Адлия вазирлигида Зулфия номидаги Давлат мукофоти соҳибаси, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси етакчи мутахассиси Гулжамол Асқарова билан учрашув бўлиб ўтди.**

## ЁШЛАР МАЪНАВИЯТИ

"Ёшлар маънавияти ва оилавий тарбия" мавзуида ўтказилган мазкур учрашувда Г.Асқарова оилада фарзандлар тарбияси, бу борада аёлларнинг ўзига хос масъулияти ҳақида сўз юритди. "Ўғил-қизларнинг маънавий тарбиясига энг аввало, оилада мустаҳкам пойдевор қўйилади, маҳалла, ўқув даргоҳлари, жамоатчилик таъсирида бу янада мустаҳкамланиб боради" дея таъкидлади у.

Қизиқарли савол-жавоб тарзида ўтган мазкур учрашувда истеъдодли шоира Г.Асқарова ўз шеърларидан ўқиб берди.

**Шавкат САТТОРОВ**

## ФУҚАРОЛАР МУРОЖААТЛАРИ

***Республика Адлия вазирлиги ва Қашқадарё вилояти ҳокимлиги ташаббуси билан Қарши шаҳрида "Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги Қонун ижросини янада яхшилаш масалаларига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.***

*Адлия вазирининг ўринбосари Собир Холбаев ўз маърузасида кейинги йилларда фуқароларнинг мурожаатларини кўриб чиқишга эътибор кучайганлигини алоҳида таъкидлади. Бу эса ўз навбатида мурожаатларда кўрсатилган муаммолар асосан жойларда ҳал этилаётганлигининг самарасидир.*

*Шаҳар ва туман ҳокимликлари билан ўтказилган сим орқали мулоқотда фуқаролар, хусусан, ёшлар суд, нотариат, банк идораларининг асосий фаолиятлари ва фермер хўжаликларида иш юритиш тартиблари, никоҳланувчи ёшларни тиббий кўрикдан ўтказиш муаммолари ва шу сингари ўзларини қизиқтирган кўплаб саволларга жавоб олдилар.*

***Ойдин АНОРОВА,***
***"Инсон ва қонун" газетаси мухбири***

**Навоий вилояти адлия бошқармаси томонидан вилоят хўжалик судида Адлия вазирлиги Ахборот хизмати билан ҳамкорликда ташкил этилган семинар "Жамият аъзоларининг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришда ОАВнинг ўрни ва аҳамияти" мавзуига бағишланди.**

## ТАРАҚҚИЁТНИНГ БИР БЎҒИНИ

Иштирокчилар соҳа мутахассисларининг "Ҳуқуқий маданиятни юксалтиришда оммавий ахборот воситаларининг ўрни", "Адлия тизими фаолиятини маҳаллий газеталарда ёритиш усуллари", "Ҳуқуқий мавзудаги теле ва радио материлларини сифатли ёритишда журналист маҳорати", "Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтиришда ОАВдан унумли фойдаланиш" мавзуларидаги маърузаларни тингладилар.

Адлия вазирлиги томонидан ҳуқуқий мавзулар бўйича "Энг яхши телелавҳа", "Энг яхши радиоэшиттириш", "Энг яхши интернет материали", "Энг яхши мақола" танлови эълон қилинганлиги айтиб ўтилди.

**Маруса ҲОСИЛОВА,**
**"Инсон ва қонун" мухбири**

## ТУШУНТИРИШЛАР БЕРИЛДИ

***Жиззах вилояти адлия бошқармаси ташаббуси билан хўжаликлар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар ҳуқуқшуносларининг ўқув-семинари уюштирилди.***

Семинарда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигидан 2007 йил 14 июнда рўйхатдан ўтказилган **"Давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларида қонун ҳужжатларининг туркумлаштирилган ҳисобини юритиш қоидалари"** ва Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 24 августдаги **"Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, давлат корхоналари, муассасалари ва ташкилотлари фаолиятини ҳуқуқий таъминлаш даражасини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"**ги қарори билан тасдиқланган "Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг юридик хизмати тўғрисида"ги низомда юридик хизматининг вазифалари ва функциялари ҳамда уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, мазкур ҳужжатларнинг назарий ва амалий қўлланилиши юзасидан тушунтириш ва кўрсатмалар берилди.

**Тўлқин ЯНГИБОЕВ,**
**"Инсон ва қонун" мухбири**

**Янгиер шаҳар ФҲДЁ бўлими ташаббуси билан шаҳар марказий шифохонасида бўлиб ўтган навбатдаги тадбир — эрта никоҳ ва қариндошлар ўртасидаги никоҳнинг олдини олиш, ёшларда соғлом турмуш тарзини шакллантириш, уларнинг жамиятда муносиб ўрин эгаллашига кўмаклашиш ишлари остида ўтди.**

## МУҲИМ МАВЗУГА БАҒИШЛАНДИ

Вилоят адлия бошқармаси, шаҳар ИИБ ва прокуратура, маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари иштирокидаги мазкур тадбир ўзаро дўстона фикр алмашувларга бой бўлди.

Янгиердаги 1-сон шаҳар поликлиникаси мудири Ш.Қаршиевнинг юқорида айтилган мавзулар бўйича билдирган фикри қатнашчиларни бефарқ қолдирмади.

**Рашида СОЛИЕВА,**
**Янгиер шаҳар ФҲДЁ бўлими мудираси**

## ИШ ЎРИНЛАРИ ЯРМАРКАСИ

**Самарқанд вилоятининг Самарқанд туманидаги "Гулобод" ижтимоий-иқтисодий касб-ҳунар коллежида бўлиб ўтган "Бўш иш ўринлари" ярмаркаси ёшларга бўлган эътиборнинг яна бир намунаси бўлди.**

Туманда фаолият кўрсатаётган 71 та корхона, ташкилот, кичик корхона ва фермер хўжаликлари ўзларидаги мавжуд 529 та бўш иш ўринлари билан иштирок этди. Агросаноат, Маиший хизмат кўрсатиш ва Раванак миллий ҳунармандчилик касб-ҳунар коллежлари ҳамда ўрта умумтаълим мактабларининг 9-11-синф битирувчилари ҳам қатнашди.

Мурожаат этганларнинг 133 нафари шу ернинг ўзида ишли бўлди.

Вилоят ҳокимлиги, адлия бошқармаси, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси ушбу тадбирнинг мазмунли ўтишида бошқош бўлди.

**Юнус МИРЗАЕВ**

# АКС-САДО

**"Инсон ва қонун" ҳуқуқий газетасининг 2008 йил 15 апрель сонида чоп этилган "Суд қарори муҳокама этиладими?" мақоласини ўқиб чиқдим.**

## УМИДИМ СИЗЛАРДАН

Афсуски, Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ва қонунларини менсимаслик, уларни қўпол равишда бузиш каби салбий ҳолатлар фақат Жиззах шаҳрида эмас, республикамизнинг бошқа жойларида ҳам содир этилмоқда.

Мен Оҳангарон шаҳар ҳокимияти ҳуқуқшунослик вазифасидан ноқонуний бўшатилганим учун даъво ариза билан Фуқаролик ишлари бўйича Оҳангарон туманлараро судига мурожаат қилган эдим. 9 ой судма-суд сарсон бўлиб юрдим.

Фуқаролик ишлари бўйича Оҳангарон туманлараро судининг 2008 йил 28 январдаги ҳал қилув қарорига асосан мени ишга тиклаш, мажбурий бекор юрган кунлар учун иш ҳақи ва маънавий зарар ундириш тўғрисидаги даъво аризам қаноатлантирилди.

Ҳал қилув қарорига ва Фуқаролик процессуал кодексининг 219-моддаси, 1-қисми ва Меҳнат кодексининг 273-моддасига асосан ҳал қилув қарори дарҳол ижро этилиши шартлиги белгиланган.

Бироқ, Оҳангарон шаҳар суд ижрочилари томонидан ижро варақаси ижрога қабул қилинганлигига қарамай, улар ўз мансаб ваколатларини суиистеъмол қилиб, ўзларига юклатилган вазифаларни бажармасдан, мени узоқ муддат давомида ишга тикламасдан келишмоқда.

Бунинг натижасида қонуний кучда бўлган суд ижро ҳужжати бажарилмасдан қолмоқда ва менинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларимга жиддий зарар етмоқда.

Мен муқаддам Тошкент вилояти суд ижрочилари бошқармасига 2008 йил 27 февралда, республика Департаментига 2008 йил 20 февралда Оҳангарон шаҳар прокурорига бу ҳақда 2008 йил 5 мартда ёзма мурожаат қилган эдим. Ниҳоят, мени ишга қўймаётган, суднинг қонуний кучга кирган қарорини бажармаётган Оҳангарон шаҳар ҳокими А.Манноповга нисбатан Жиноят кодексининг 232-моддаси билан қонуний чора кўришни сўраб, Оҳангарон шаҳар прокурорига 2008 йил 8 апрель куни ёзма мурожаат қилдим.

Бироқ бу мурожаатларимга бирорта жавоб олмадим. Бу мутасадди ташкилотлар **"Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида"**ги Қонун талабларини бузган ҳолда ариза ва шикоятларимга жавоб бермасдан келишмоқда. 2007 йил 13 апрель кунидан буён ҳеч қаерда ишламайман.

Суднинг қарорини 9 ой кутдим. Энди бу қарор ижро қилинишини қанча кутиш керак, билмайман?

Ушбу орқали Сиздан суднинг қонуний кучга кирган қарорининг бажарилишини таъминлашда ёрдам беришингизни, Оҳангарон шаҳрида содир этилаётган қонунбузарлик ҳолатлари тўғрисида ҳам газетада танқидий мақола чиқаришингизни, айбдор мансабдор шахсларга қонуний чоралар кўрилишида ёрдам беришингизни сўрайман.

**И.ИМАНОВ**

## "ПУЛИМНИ ҚАЙТАРИБ ОЛДИМ..."



**Ҳурматли таҳририят! Икки йилдан буён "Инсон ва қонун" ҳуқуқий газетасига обуна бўламан. Газетани ўқиб бориш жараёнида, мен ҳам ариза билан мурожаат этсам ёрдам берармикан, деган умидда ариза йўллаган эдим.**

Мен 2007 йил январь ойида хорижга ишга жўнатаман деган бир фирибгарга катта миқдорда пул бериб, алданиб қолган эдим. Бир неча жойларга мурожаат қилиб, натижага эриша олмадим.

Худога шукр, газетангиз аралашуви сабабли, Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани ИИБ ўта муҳим ишлар бўйича катта терговчиси майор Атхам Ҳамидовнинг саъй-ҳаракатлари туфайли пулимни қайтариб олишга эришдим.

Шу муносабат билан таҳририятга ўз миннатдорчилигимни билдираман.

**Ҳурмат билан, Рўзивой ШОКАРИМОВ, Қибрай тумани, Байткўрғон қишлоғи**



**Таҳририятимизга Сирдарё вилояти "Матбуот уюшмаси" МЧЖ директори Р.Дадабаева мактуб йўллаб, Гулистон шаҳридаги матбуот дўконлари асоссиз равишда, ҳеч бир огоҳлантиришсиз, дуч келган жойга кўчириб юборилаётганини баён қилганди. Матбуот дўконлари — маънавият улашувчи тармоқ саналгани ҳамда кундалик турмушда муҳим аҳамиятга эга эканлиги инобатга олиниб, мазкур мактуб газетамизнинг 2007 йил 9 октябрь сонида "Оёқ чиқарган дўконлар" сарлавҳаси остида босилиб чиқди.**

## "ОЁҚ ЧИҚАРГАН ДЎКОНЛАР"

### ҳамон «юришда» давом этаётир

Ва ушбу таҳрирсиз хат юзасидан 2007 йил 11 ноябрда Гулистон шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари Р.Тошметов имзоси билан жавоб келганди. Унда жумладан шундай дейилганди: **"Гулистон шаҳар, Навоий шоҳкўчаси ҳамда Халқлар дўстлиги кўчаси чорраҳасида жойлашган манзил UNESKO халқаро ташкилотига музей тариқасида берилганлиги туфайли мазкур дўконни Навоий шоҳкўчаси ва Ал-Хоразмий кўчаси чорраҳасидаги дўконлар қаторига жойлаштиришга рухсат берилди"**.



Гарчанд ушбу иқтибосда атиги битта матбуот дўконига бошқа манзилдан жой берилгани таъкидланган бўлса-да, биз Гулистон шаҳар ҳокимлиги бу ўринли танқиддан тўғри хулоса чиқаради ва "Матбуот уюшмаси" МЧЖ фаолиятига халал эмас, кўмак беради, дея умид боғлагандик. Бироқ Р.Дадабаева томонидан таҳририятимизга такроран йўлланган шикоят ариза билан танишдигу таажжубландик: Наҳотки, Гулистон шаҳар ҳокимлиги Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 13 сентябрдаги **"Матбуот тарқатиш уюшмаси" фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида"**ги қароридан бехабар бўлса?!

Мазкур қарор ижросини таъминлаш мақсадида Сирдарё вилояти ҳокими ўринбосари М.Эркаев томонидан имзоланган 2005 йил 3 февралдаги топшириқ хатида "...Туман ва шаҳар марказларида мавжуд матбуот тарқатиш дўконларининг фаолиятини тўғри ташкил этиш ҳамда уларни рухсатсиз ёпиш ва кўчириш каби ҳолатларга чек қўйиш, жойларда уюшма фаолиятига қонун доирасида амалий ёрдам бериш бўйича тегишли чора-тадбирларни ишлаб чиқиш" вазифаси туман ва шаҳар ҳокимлари зиммасига юклатилган бўлса-да, Гулистон шаҳар ҳокимлиги бунга панжа орасидан қараган кўринади. Энг ажабланарлиси, Гулистон шаҳар ҳокимининг "...Шаҳар ҳудудида газета ва журнал сотишни янада ривожлантириш ҳамда матбуот маҳсулотлари билан таъминлашни янада яхшилаш" мақсадида қабул қилинган фармойиши мавжуд ва унда матбуот дўконлари дислокацияси тасдиқланган.

Бироқ, Р.Дадабаеванинг эътироф этишича, ушбу дислокацияга мутлақо амал қилинмаяпти. Қизиқ, қоғозда бору амалда йўқ фармойиш нега қабул қилинган? Шунчаки хўжакўрсингами? Қолаверса, матбуот дўконлари фаолиятига халал бериш мазкур фармойишга батамом зид эмасми? Бинобарин, Вазирлар Маҳкамаси қарори ижросини таъминлаш мутасадди шахслар зиммасидаги долзарб вазифа саналади-ку!..

**Дилфуза РАҲИМБЕКОВА, "Инсон ва қонун" махсус мухбири**

### ФИКРЛАШГА УНДАЙДИ

**"Инсон ва қонун" газетасининг доимий мухлисиман. Ҳуқуқий-демократик жамият қуриш йўлидан илдам одимлаётган мамлакатимиздаги қонун ва қонунчилик жараёнлари мени доимо қизиқтириб келган. Газета саҳифаларида "Мулоҳаза", "Муносабат", "Талаба талқини" рукнларида бериб борилаётган мақолалар кўпроқ диққатимни тортади. Тўртинчи саҳифанинг "Чақмоқтош" рукнидаги буюк донишманд-мутафаккирлар ҳаёти ва ижодига оид қизиқарли маълумотлар, донишмандларнинг фалсафий фикрлари чуқур мулоҳаза қилишга ундайди. Очиғи, сўзнинг буюк қудратидан ҳайратланиб, ҳикматларни соатлаб такрорлаб ўтирган вақтларим ҳам бўлади.**

Газетани интиқлик билан қўлимга олар эканман, тўртинчи саҳифадаги мен учун қадрдон бўлиб қолган "Чақмоқтош"ни қидираман. Негадир газетанинг кейинги сонларида бу рукн остида бериладиган мақолаларни учратмай қўйдим. Оддий сўзлар ёрдамида мислсиз маъно бера оладиган ушбу рукннинг яна газета саҳифаларида пайдо бўлишини жуда хоҳлардим. Ғарб мутафаккирлари билан бир қаторда, кўҳна шарқ донишмандлигини ҳам талқин этиш, менинг назаримда, муҳим аҳамиятга молик бўлур эди.

**Мансур ЖУМАБОЕВ, ЎзДЖТУ талабаси**

**"Инсон ва қонун" ҳуқуқий газетасининг 6 май сонида берилган Ф.Қорақулованинг "Хонадон соҳиби ким?" мақоласида мерос масалалари билан боғлиқ жуда ҳаётий мавзу ёритилганига амин бўласиз.**

## ЛАФЗИДАН ҚАЙТГАН "МЕРОСХЎР"ЛАР

Бир неча йилдирки, Тошкент шаҳар, Учтепа туманида жойлашган нотариал идорада хусусий амалиёт билан шуғулланиб келяпман. Кейинги йилларда фуқароларнинг хусусий мулкчилик йўлидаги манфаатлари, ҳуқуқий расмийлаштириш ишларига лоқайдлик билан қараши, ўз қарорлари оқибатини ўйламасликлари натижасида кўпинча нохуш ҳолатлар ва қонунбузилишлар келиб чиқаётир. Яқин қариндош-уруғлар, ҳатто бир-бирига муросасиз бўлиб қолиб, узоқ мулкий судлашув низолари кузатиляпти. Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 27 февралдаги **"Хорижий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахслар томонидан Ўзбекистон Республикасида уй-жой сотиб олинишини ҳамда доимий яшаш учун Тошкент шаҳрига келишни тартибга солиш тўғрисида"**ги қарорида уй-жой сотиб олувчи Ўзбекистон Республикасининг бошқа минтақаларида яшовчилар ҳисобланганда уй-жой сотиб олиш, айрбошлаш ёки гаровга қўйиш битимларини нотариал тасдиқлаш Тошкент шаҳрида рўйхатга туриш учун махсус комиссиянинг қарори тақдим этилган тақдирдагина амалга оширилиши белгиланган. Шунга қарамай, айрим фуқаролар Тошкент шаҳрида доимий рўйхатда турувчи таниши ёки қариндош-уруғи номига уй сотиб олиш мақсадида сотилаётган уй эгаси, сохта харидор билан нотариус идорасига келиб расмийлаштириш ишларини амалга оширади. Бунинг оқибатида кўп ўтмай ўзи сотиб олган уй бўйича низолар пайдо бўляпти. Бундай воқеаларга кўплаб мисоллар келтириш мумкин.

Масалан, бир киши доимий рўйхати бўлмаганлиги сабабли синглиси номига уй сотиб олади. Орадан маълум бир вақт ўтгач, у вафот этади. Сингил эса уйни келинойисига қайтариб беришдан бош тортади. Иш судга бориб етади.

Яна бир ҳолатда дугона дугонанинг номига уй сотиб олган. Бир йил ўтгач, уйга пул тўлаган дугона вафот этади, уй номига расмийлаштирилган дугона уйни меросхўрларга беришдан бош тортади.

Вилоятдан келган бир шахс Тошкент шаҳрида доимий рўйхатда турадиган қўшнисига ишониб, унинг номига уй-жойини расмийлаштиради. Орадан анча вақт ўтгач, қўшни ўз номидаги уйни бемалол сотиб, пулни ўзлаштириб юборади, бу эса қўшниларнинг низолашувига сабаб бўлади.

Фуқаролик кодексининг 113, 114, 124-моддаларида битимнинг ҳақиқий эмаслиги ҳақида, қалбаки ва кўзбўямачилик учун тузилган битимнинг ҳақиқий эмаслиги белгилаб қўйилган. Юқорида келтирилган мисоллардан кўриниб турибдики, айрим фуқаролар қонунни ўз манфаатларига мослаштириб олиш мумкин деб ўйлайдилар ва натижада алданиб қолганларини кеч тушуниб етадилар.

Кези келганда шуни айтиш жоизки, эҳтимол кўзбўямачилик учун тузилган шартнома ва битим қатнашчиларига нисбатан жуда бўлмаганда бирон-бир маъмурий жазолар қўлланилса, нотариусни чалғитганлиги учун қандайдир жавобгарлик белгиланса, бундай кўнгилсизликларнинг олди олиниши мумкиндир. Шундагина бу каби низоли хонадонлар ҳақиқий ўз соҳибини топган бўлар эди, деб ўйлаймиз.

**Омина АЧИЛОВА, Учтепа тумани хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариал идора нотариуси**

**Мазкур саҳифа Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ўртасида жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтиришга, қонунийликни таъминлашга йўналтирилган ҳуқуқий тарғибот ишлари бўйича ҳамкорлик қилиш тўғрисида имзоланган Меморандум асосида Тошкент шаҳар прокуратураси фаолияти бўйича тайёрланди.**

**Мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ мамлакатимиз раҳбари пойтахтимизни замон талаблари даражасидаги Бош шаҳарга айлантиришга астойдил киришди. Табиати жаннатмонанд шаҳримизга қадам ранжида этган инсон, у хоҳ меҳмон бўлсин, хоҳ сайёҳ бугун уни кўриб, билиб, давлатимиз, миллатимизнинг камолоти, қудрати, маданияти, миллий ғурур ва маънавий салоҳиятига юксак баҳо бермоқда. Зеро, Тошкентимиз камолоти миллатнинг камолоти, пойтахтнинг чиройи — халқнинг юзи, миллатнинг қиёфасидир.**

# ТОШКЕНТ – ТАРАҚҚИЁТ ЎЧОҒИ

Жаҳон миқёсида Тошкентни — "Шарқ дарвозаси", "Тинчлик элчиси", "Дўстлик шаҳри", "Халқаро анжуманлар маркази", "Нон шаҳри", дея улуғланиши унга бўлган меҳримизни доимо ошириб келган. 2007 йилда дунёдаги минглаб шаҳарлар орасида айнан Тошкентга "Ислом маданияти пойтахти" мақоми берилиши унинг нуфузини халқаро миқёсда янада юксалтирди. Шунинг баробарида бундай юксак эътироф мамлакатимизнинг дунё миқёсидаги обрў-эътибори, нуфузига берилган юксак баҳо, улкан муҳаббат ва самимий муносабатнинг бир белгисидир, деб қатъият билан айтиш мумкин. Қолаверса, бу қадимий ва навқирон шаҳарга бўлган ҳурмат ва қизиқишнинг ортганидан далолат ҳамдир.

Шунингдек, 2009 йилнинг май ойида Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигини дунё миқёсида нишонлаш мақсадида 2008 йил 2 апрелда Президентимиз томонидан **"Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"** Қарор қабул қилинди.

Мазкур Қарорга асосан Тошкент шаҳар ҳокимининг 2008 йил 8 апрелда қабул қилинган 195-сонли қарорининг ижросини таъминлаш мақсадида шаҳар прокуратураси томонидан бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Шундан келиб чиқиб, мазкур қарор ижроси учун нинг 53 фоизидан кўпроғи кичик ва хусусий тадбиркорлик соҳасида меҳнат қилмоқда. Кичик бизнеснинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 42,1 фоизни ташкил этмоқда. Мамлакатимизда кичик бизнес ва тадбиркорликнинг ўрни ва роли изчил ўсишини таъминлаш борасида 2007 йилда унинг ялпи ички маҳсулотдаги улушини 45 фоизга, 2010 йилда эса 50-52 фоизга етказиш мўлжалланмоқда. Бундан кўриниб турибдиқи, тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш, уларга кенг имкониятлар яратиб бериш орқали иқтисодиётимиз катта ютуқларга эришиши мумкин.

Мамлакатимиз иқтисодиётининг ривожи учун тадбиркорлик субъектлари фаолиятини янада кенгайтиришни бугун замоннинг ўзи тақозо этмоқда. Шундан келиб чиқиб, амалга оширилаётган изчил сиёсат пировардида, Тошкент шаҳри бўйича 2008 йил 1 январь ҳолатига кўра, давлат рўйхатидан ўтган хўжалик юритувчи субъектлар сони 41887 нафарни, хусусий тадбиркорлар сони эса 24089 нафарни ташкил этмоқда. Бу кўрсаткич ўтган йилларга нисбатан анча юқоридир. Улар фаолиятини янада кенгайтириш ва эркинлаштириш борасида давлатимиз томонидан бир қатор имтиёз ва имкониятлар яратилмоқда. Хусусан, тадбиркорлик субъектлари фаолиятида учраётган муаммолар тегишли прокуратура идоралари томонидан ўрганилиб, бартараф этилмоқда. Шу раси томонидан хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга қаратилган қонунлар ижроси юзасидан ўтказилган текширишлар натижасида ноқонуний ҳужжатларни бекор қилиш ҳақида 41 та протест, қонунбузилиш ҳолатларини бартараф этиш юзасидан 17 та тақдимнома киритилди. 33 нафар шахс огоҳлантирилди, 19 нафар шахс интизомий, 1 нафар шахс маъмурий жавобгарликка тортилди. Жиддий қонунбузилиш ҳолатлари юзасидан 11 та жиноят ишлари қўзғатилди.

Жорий йилда ҳам мазкур йўналишда бир қатор тадбирлар амалга оширилиб, аниқланган қонунбузилиш ҳолатлари юзасидан прокурорлик таъсир чоралари қўлланилмоқда. Хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга қаратилган қонунлар ижроси юзасидан текширишлар ўтказилмоқда. Жумладан, шу кунга қадар ноқонуний ҳужжатларни бекор қилиш тўғрисида 18 та протест, қонунбузилиш ҳолатлари ва уларни келтириб чиқарувчи шарт-шароитларни бартараф этиш юзасидан 29 та тақдимнома киритилди. 7 нафар шахс огоҳлантирилиб, 44 нафар шахс интизомий, 3 нафар шахс маъмурий жавобгарликка тортилди. Қўпол қонунбузилиш ҳолатлари юзасидан 1 та жиноят иши қўзғатилди.

Дарҳақиқат, тадбиркорлик мамлакатимиз иқтисодий қудратини оширишда муҳим ўрин тутади.

Шаҳар прокуратураси ҳам уларнинг ҳуқуқ ва



тузилган ишчи гуруҳи аъзолари олдига Тошкент шаҳрида фаолият кўрсатаётган турли мулкчилик шаклидаги ишлаб чиқариш ва қурилиш билан боғлиқ корхоналар рўйхати тузилиб, уларнинг ишлаб чиқариш салоҳиятини ошириш ва янги иш ўринларини яратиш масалаларини ўрганиш вазифаси қўйилди.

Дарҳақиқат, мамлакатимизда тадбиркорликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, унинг эркин фаолият юритишини таъминлашга жиддий эътибор қаратилган. Сабаби, тадбиркорликни ривожлантириш ортида иқтисодиётимизнинг ривожи ётади.

Статистик маълумотларга эътибор қаратсак, бугун мамлакат иқтисодиётида банд бўлган аҳоли билан бирга тадбиркорлик фаолияти кафолатларини таъминлашга қаратилган қонунчилик талабларидан келиб чиққан ҳолда, тадбиркорлик субъектларида ўтказилаётган ҳужжатли текширувлар сонини кескин камайишига эришилган.

Рўйхатга олиш, ҳисоботлар тақдим этиш, рухсатномалар бериш тартибининг соддалаштирилиши, текширишларга чекловларнинг кучайтирилиши, ҳуқуқий таъсир чораларини суд орқали қўллаш тартибининг жорий этилиши, молиявий жавобгарликнинг эркинлаштирилиши каби чора-тадбирларнинг амалда татбиқ этилиши ижобий самара бермоқда.

2007 йил мобайнида Тошкент шаҳар прокуратуманфаатларини ҳимоя қилибгина қолмай, тадбиркорликни ривожлантиришга уларнинг фаолиятида ноқонуний тўсиқларнинг олдини олишда, умуман азим пойтахтимизнинг ёрқин истиқболи, аҳолининг фаровон турмуш тарзини, тўкин ҳаёт кечириши учун тегишли чора-тадбирларни амалга оширмоқда. Мамлакатимизнинг маъмурий-сиёсий маркази бўлган Тошкентнинг гуллаб-яшнаши, обод ва фаровонлигига ҳисса қўшиш нафақат тадбиркорларнинг, балки барчамизнинг вазифамиз ҳисобланмоғи жоиз.

**Баҳриддин ВАЛИЕВ,**
**Тошкент шаҳар прокурори,**
**3-даражали Давлат адлия маслаҳатчиси**




# МИЛЛАТ КЕЛАЖАГИГА ҒАМХЎРЛИК

Тошкент шаҳар аҳолисининг деярли 33 фоизини вояга етмаганлар ташкил этади. Уларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишда Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 21 сентябрдаги **"Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида"**ги қарори, Бош прокурорнинг 2004 йил 22 июндаги 27-сонли буйруғи ҳуқуқий-меъёрий мезон бўлиб ҳисобланади.

"Ёшлар йили"да вояга етмаганларнинг ижтимоий ҳимояси, меҳнати ва бандлиги, соғлиғи, таълими тўғрисидаги қонунлар ижроси юзасидан прокурор назорати янада кучайтирилди.

Шаҳар прокуратураси ва Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиянинг узвий ҳамкорлиги натижасида тарбияси оғир ҳуқуқбузар вояга етмаганларга нисбатан қўлланилган чоралар ўзининг кутилган самарасини бермоқда.

Мамлакатимиз Президенти Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 15 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида белгиланган ва муваффақиятли амалга оширилаётганислоҳотларни давом эттириш, уларни янги поғонага кўтариш, энг муҳими, бугунги куннинг долзарб масалаларидан ҳисобланган мустақил ҳаётга кириб келаётган ёшларимизнинг жамиятимизда муносиб ўрин эгаллаши учун давлат ва жамият, кенг жамоатчилик эътиборини жалб этиш мақсадида 2008 йилни "Ёшлар йили" деб эълон қилди.

Ҳозирги кунда Тошкент шаҳрининг ўзида 317 минг нафар ўқувчи таълим-тарбия олаётган 322 та умумтаълим мактаблари, 86 минг 417 нафар ўқувчи таҳсил олаётган 80 та касб-ҳунар коллежи, 18 минг 924 нафар ўқувчи таҳсил олаётган 36 та академик лицей, 86 минг 227 нафар бола тарбияланаётган 497 та мактабгача тарбия муассасаси, 670 нафар тарбияланувчиси бўлган 6 та меҳрибонлик уйи ҳамда 2697 нафар бола тарбияланаётган 9 та махсус мактаб-интернат фаолият кўрсатмоқда.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия ташаббуси билан 2008 йил 18 февралда Тошкент шаҳар ҳокимининг **"Меҳрибонлик уйларида тарбияланган ўсмир ёшларни уй-жой билан таъминлаш тўғрисида"**ги қарори қабул қилинди. Ушбу қарорга мувофиқ бугунги кунга қадар 8 нафар "Меҳрибонлик уйи" тарбияланувчилари уй-жой билан таъминланди. Жорий йилда ушбу қарор ижроси тўлиқ таъминланиб, 58 нафар "Меҳрибонлик уйи" тарбияланувчилари уй-жой билан таъминланади. Ўтган 2005, 2006, 2007 йиллар давомида Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссияси ташаббуси билан 124 нафар "Меҳрибонлик уйи" тарбияланувчилари уй-жой билан таъминланди.

Тошкент шаҳар прокуратураси ва шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия ҳамкорлигида **"Тошкент шаҳрида 2008 йилнинг ёз мавсумида болаларни оромгоҳларда соғломлаштириш ва дам олдириш юзасидан чора-тадбирлар режаси"** ишлаб чиқилди. Ушбу чора-тадбирлар режасига мувофиқ жорий йилда шаҳар ҳудудидаги умумтаълим мактаблари қошида 36 та оромгоҳ ташкил этилади ва бу оромгоҳларга 14 минг нафар бола жалб этилади. Шаҳар ҳудудида ташкил этилган оромгоҳларда асосан кам таъминланган ва кўп болали оила фарзандлари жалб этилиши кўзда тутилган. Шу билан бирга шаҳардан ташқарида жойлашган 26 та соғломлаштириш оромгоҳларига 28 минг нафар болани жалб этиш режалаштирилган.

Шунингдек, "Ёз — 2008" спорт ўйинлари лойиҳаси доирасида 3 босқичдан иборат 15 та спорт тури бўйича мусобақалар ўтказиш режалаштирилган бўлиб, бу мусобақаларда 50 мингдан ортиқ ўсмирлар иштироки таъминланади. "Камолот" ЁИҲ ҳамда Ички ишлар бош бошқармаси билан ҳамкорликда ҳарбий спорт оромгоҳлари ташкил этилиб, унда асосан профилактик ҳисобда турувчи вояга етмаганлар жалб этилади.

Тошкент шаҳар прокуратураси ва шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия билан ҳамкорликда яхши йўлга қўйилганлиги натижасида вояга етмаганлар ораси ҳуқуқбузарлик ва жиноятчилик ҳолатлари кескин камайишига эришилди.

**Олим РАИМОВ,**
**Тошкент шаҳар прокуратураси вояга етмаганлар ҳақидаги қонунлар ижроси устидан назорат бўлими бошлиғи,**
**адлия маслаҳатчиси**





**Суратларда: Тошкент шаҳар прокуратураси фаолиятидан лавҳалар.**
**Бахтиёр АКРАМОВ олган суратлар.**

# ҚОНУННИ БИЛГАН ҚОҚИЛМАЙДИ

**Тошкент шаҳар прокуратураси ўз фаолияти давомида аҳолига янги қабул қилинган қонунларни ҳар тарафлама тушунтириш мақсадида маҳаллаларда, ташкилотлар ва тадбиркорлик субъектларида очиқ мулоқотлар, давра суҳбатлари ташкил этиб, бу тадбирларнинг доимийлигини йўлга қўйган.**

Чунончи, жорий йилнинг май ойига қадар ҳуқуқий тарғибот бўйича 3700 марта тадбир ўтказилди. Қизғин фикрлашув, ошкора мулоқот руҳида кечган учрашувларда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилиш масалалари билан боғлиқ мавзуларда кенг тушунтириш ишлари амалга оширилди. Шунингдек, вояга етмаганларнинг ҳуқуқларига оид қонунлар юзасидан 530 марта, солиқ ва валютага доир қонунчилик ижроси юзасидан 133 марта тарғибот ва ташвиқот ишлари ташкил этилди.

Шаҳар прокуратураси ходимлари томонидан амалга оширилган бундай тадбирларда ва матбуотдаги чиқишларда тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган қонун ҳужжатлари, Президентимизнинг **"Ўзбекистонда ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида"**ги Фармони, **"Ўлим жазоси бекор қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"**ги, **"Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқининг судларга ўтказилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"**ги Қонунлари тарғиботига асосий эътибор қаратилди. Ушбу саъй-ҳаракатлардан кўзланган мақсад фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинлик ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш билан биргаликда давлатимизнинг бугунги кундаги сиёсатини улар онгига етказишдан иборатдир.

Диний экстремизм ва терроризмга қарши кураш мавзуида жорий йил мобайнида 580 та тадбир ўтказилиб, шундан 77 таси оммавий ахборот воситалари орқали ёритилган. Бу каби кенг қамровли тушунтириш ишлари аҳолининг, айниқса, ёшларнинг турли оқимлар, ёт ғоялар таъсирига тушиб қолишининг олдини олишда муҳим омил бўлиб хизмат қилаётир.

Шаҳар прокуратураси бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар билан ҳамкорликда жиноятчиликка қарши курашиш, жиноят содир этилишининг олдини олиш бўйича маҳаллий ҳокимият идоралари, кўникма марказлари билан профилактик ишларнинг сифати ва самарадорлигини оширишга қаратилган чора-тадбирларни қўллаб келаётир.

Тузилган режа асосида барча ўқув муассасаларида ёшларга янги қонунлар ва қонуности актлари юзасидан тушунтириш ишлари, вояга етмаганлар, ўсмирлар ўртасида ҳуқуқий мавзуларда давра суҳбатлари ўтказилаётир. Жорий йилнинг май ойигача ўқув муассасаларида 650 марта учрашув ўтказилди.

Албатта, катта тайёргарлик кўриб ўтказилаётган бундай мулоқотлар, очиқ, жонли суҳбатлар аҳолининг ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришда, қонунларга ҳурмат-эътиборнинг ошишига кўмак бериши шубҳасиз. Зотан, қонунни билган қоқилмайди, деб бекорга айтилмаган.

**Лола ШАМУРАТОВА,**
**Тошкент шаҳар прокурорининг катта ёрдамчиси, адлия маслаҳатчиси**

*Саҳифа материалларини «Инсон ва қонун» мухбири Гулсумхон ШОДИЕВА уюштирди.*

● Таассуф

# КЎЗБЎЯМАЧИЛИК

## Қинғир ишнинг тавбаси

**Киши ҳар қандай ёшда ҳам билиб-билмай хатоликка йўл қўяр экан. Баъзан масъулиятни жиддий ҳис қилмай жиноий хатти-ҳаракатлар содир этиб қўйиши ҳам ҳеч гап эмас. Шундай ҳолатларда ўз камчиликларини англаса, бу хатти-ҳаракатидан пушаймон бўлиб, имкон қадар хатоларини тўғрилашга интилса, тўғирлай олса, бу яхши, албатта.**



Урганч туманида 1954 йилда туғилган Баҳодир Султанов "Музаффар Мирзо" фермер хўжалигида 10,4 гектар ер майдонида деҳқончилик қиларди. 2006 йил 9 декабрда ушбу ер майдони туман ҳокимлиги қарори асосида мазкур ҳокимликнинг захира фондига ўтказилганлигидан тумандаги барча ташкилоту тадбиркорлар ҳам хабардор бўлмаслиги табиий эди. Балки шу боис Б.Султановнинг "Музаффар Мирзо" фермер хўжалигини ҳали ҳам бошқараётганига шубҳа қилиб ўтиришмади. Узоқни ўйлаган Б.Султанов 2007 йил март-июль ойларида "Музаффар Мирзо" фермер хўжалиги ҳисоб рақамига "Казакова Саодатжон" МЧЖ билан 8520.0 минг сўмлик, якка тадбиркор Умарбек Самандаров билан 3850.0 минг сўмлик, "Бобонур-Дилнур сервис" МЧЖ билан 14550.0 минг сўмлик қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етказиб бериш ҳақида тузилган шартнома асосида шу маблағларни қабул қилиб олади. Бу ҳолатларга ҳали тўғри баҳо бера олмаган Б.Султанов раҳбар ходимлар унга ишонаётганидан хурсанд бўлиб, бу каби қилмишларни давом эттиради. Энди шартнома тузмасдан ҳам қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ва терак етказиб беришни ваъда қилиб "Урганч коммунал қурилиш" МЧЖ, "Хоразм қалъа" МЧЖ, "Хоразм капитал таъмир" МЧЖларнинг ҳар биридан турли миқдорда, жами 80552.0 минг сўм пул маблағларини қўлга киритиб, ушбу маблағларга "Чирчиқэлектрокимё" ОАЖдан 313,6 тонна минерал ўғитлар сотиб олади. Бу ўғитларни турғун савдо шохобчаси ва назорат касса машинасига эга бўлмай туриб, ўзига нотаниш бўлган фермерларга нақд пулга сотиб юборади. Яна бир хатога йўл қўйиб, тушган пулларни банкка топширмасдан ўз шахсий эҳтиёжлари учун сарфлайди. Натижада 2036,9 минг сўмлик ягона солиқ тўлови тўланмай қолади. Хуллас, савдо қоидаларига ҳам риоя этмаган Б.Султанов "Музаффар Мирзо" фермер хўжалиги қолдиғида бўлган жами 16929.0 минг сўмлик буғдой, шрот, шелуха маҳсулотларини нақд пулга сотиб, тушган маблағни банкдаги ҳисоб рақамига топширмаган. Шунингдек, мол етказиб берувчи ва хизмат кўрсатувчи корхоналардан 317,2 минг сўмлик дебитор ва 96562.4 минг сўмлик кредитор қарзларнинг 90 кунлик тўлов муддатини ўтказиб юборади.

Яна бир нарса аниқландики, Б.Султанов мазкур фермер хўжалигининг фаолиятига доир 2006 йил якуни бўйича Урганч туман статистика бўлимига сохта маълумотлар тақдим этган ва ҳужжатларни қалбакилаштирган. Хусусан, хўжаликда мавжуд бўлган 30.000 килограмм буғдой ўрнига 46.000 килограмм ҳосил йиғиб олинган дея буғдой миқдорини нотўғри кўрсатган.

Ишдаги бир нуқсон иккинчисига сабаб бўлади ёки кўзга кўринмаган камчилик ҳеч ким билмаяпти деган фикр уйғотиши, камчиликларни давом эттиравершга туртки бўлиши мумкин. Балки шунданми, Б.Султанов "Баҳодир Сардор" фермер хўжалиги раҳбари сифатида ҳам айрим ноқонуний ҳолатларни содир этади. Давлат бюджетидан 873,2 минг сўм ва хўжаликнинг ишчи хизматчилари меҳнат ҳақидан 182,2 минг сўмлик тўлов маблағларини ўз вақтида тўлашни пайсалга солган.

Экин майдони мавжуд бўлмай туриб юқоридаги каби ҳисоб-китоб юритиш Баҳодирни қийин аҳволга солиб қўйиши, буларнинг барчаси учун бир куни жавоб беришга тўғри келиши тайин эди.

2008 йил 24 март куни жиноят ишлари бўйича Урганч туман судида Б.Султановнинг бу жиноий қилмишлари кўриб чиқилди. Судда гувоҳлардан Урганч туман ДСИ ходими Р.Султонов жавобгарнинг чиндан ҳам 2036,9 минг сўм миқдордаги ягона солиқ тўловини тўламаганлиги аниқланганини қайд қилди. Фуқаровий даъвогар У.Самандаров унга етказилган зарарни тўлиқ қоплаганлигини, жавобгарга нисбатан даъвоси йўқлигини билдирди. Фуқаровий даъвогар "Урганч коммунал қурилиш" МЧЖ бош ҳисобчиси С.Атаджанов ва бошқа даъвогар шахсларнинг жавобгар етказилган зарарларни тўлиқ қоплаганлиги, унга нисбатан даъвоси йўқлиги ҳақида кўрсатма беришгани ҳам, ўйлаймизки, одамларимизнинг бир-бирига мурувватли, кечиримли эканининг ифодасидир. Зеро, бу нафақат бағрикенглик, балки адашган киши учун тўғри йўлга чиқиш, оиласи ва ўз ҳаётини ўнглаб олишига катта имкониятдир.

Мамлакатимизда иқтисодий жиноятлар учун бериладиган жазоларнинг либераллашуви халқимизнинг миллий менталитетига уйғун жараёндир. Буни юқорида келтирилган жиноий ишга нисбатан қўлланилган жазо мазмунида ҳам кўришимиз мумкин. Суд Б.Султановни Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 168-моддаси, 3-қисми, "а" банди, 184-моддаси, 2-қисми, "б" банди, 189-моддаси, 3-қисми, 207-моддаси, 1-қисми ва 209-моддаси, 1-қисми билан айбли деб топиб, тегишли жазоларни тайинлади. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 72-моддасини қўллаб, тайинланган 2 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазосини шартли жазога алмаштириб, бир йил синов муддати ҳамда унинг хулқини назорат қилиб бориш чораларини белгилади. Суд томонидан уни жамиятдан ажратмаган ҳолда қайта тарбиялаш мумкин деган хулосага келингани туфайли Б.Султанов ўз оиласи бағрига қайтди. Умид қиламизки, бу каби иқтисодий жиноятларга йўл қўйиб адашган кишилар ўзларига берилган ҳаётини изга солишга йўл очувчи бундай бебаҳо имкониятни қадрлайдилар.

**Меҳрибон ҲАСАНОВА,**
***Жиноят ишлари бўйича Урганч туман суди раиси,***
**Дилором МАТКАРИМОВА,**
**"Инсон ва қонун" мухбири**



● Тақдимнома киритилгач...

# МАСЪУЛИЯТСИЗЛИК ОҚИБАТИ

## Бекор қилинган қарорлар

**Навоий вилояти адлия бошқармаси томонидан бошқарманинг иш режасига асосан вилоятдаги ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органлари, маҳаллий ҳокимият ва бошқарув органлари, хизмат кўрсатувчи ташкилот ва муассасаларда тадбиркорлар, хусусий мулк эгаларининг қонуний манфаатлари ҳамда шартномавий-ҳуқуқий муносабатлар бўйича амалдаги қонун ҳужжатларига риоя қилиниши мунтазам ўрганиб келинмоқда. Хусусан, вилоят ветеринария бошқармаси фаолияти ўрганилганда бошқарма ва унинг ҳудудий бўлимлари иш жараёнида қонунбузилиш ҳолатларига йўл қўйилганлиги аниқланди.**

Жумладан, Навоий шаҳар давлат ветеринария бўлими ходими Ш.Дўстов томонидан Кармана туманида истиқомат қилувчи фуқаро Б.Баҳромовга нисбатан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённома тузилиб, бўлим қарори билан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 109-моддасига асосан Б.Баҳромовга 3000 сўм миқдорида жарима қўлланилган. Лекин Ш.Дўстов баённома тузишда, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 281-моддаси талабларига риоя қилмаган, яъни баённомани тузган шахс ва ҳуқуқбузарнинг шахсига оид маълумотлар, маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилган жой, сана ҳамда бу ҳуқуқбузарликнинг моҳиятини кўрсатиб ўтмаган. Баённомани тузган ва маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахслар томонидан имзоланиши лозимлигини билмагани оқибатида унинг суд залида жавоб беришига тўғри келди.

Ушбу ҳолат юзасидан вилоят адлия бошқармаси томонидан киритилган тақдимнома жиноят ишлари бўйича Навоий шаҳар судида кўриб чиқилиб, Б.Баҳромовни маъмурий ҳуқуқбузарликка тортиш ҳақидаги қарор Ш.Дўстовнинг ишга нохолис ва масъулиятсизлик билан ёндашганлиги сабабли бекор қилинди.

Афсуски, ушбу ташкилотда бундай пала-партиш чиқарилган қарорлар битта эмас. Жиноят ишлари бўйича Навоий шаҳар суди томонидан ташкилотнинг жарима солиш ҳақидаги 18 та ана шундай қарори бекор қилинганлиги ва фуқаролардан ундирилган жарималар ўз эгаларига қайтарилганлиги ташкилот ходимларининг ўз ишига доир етарли билимга эга эмаслигини кўрсатиб турибди. Маъмурий ҳуқуқбузарликка оид қарорларни қабул қилиш чоғида белгилаб қўйилган меъёрий ҳужжатлар қайд этилиши шартлигини унутган бундай мутасаддилар фаолиятига ижобий баҳо бериб бўлмайди, албатта.

**Музроб ТИЛАВОВ,**
**Яшин ДУШАНОВ,**
**Навоий вилояти адлия бошқармаси ходимлари**

● Ишлаб чиқариш қувватлари

# ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯ АСОСИДА



Хатирчидаги янги пахта тозалаш заводи туман ҳокимлиги ва "Навоийпахтасаноат" ҳудудий бирлашмаси ёрдами билан қисқа муддатда қад ростлаб, 2007 йилнинг сентябрь ойида тўла қувват билан ишга туширилди.

Янги завод олдингиларидан фарқли ўлароқ, замонавий асбоб-ускуналар билан тўлиқ таъминланди.

Туманда етиштирилаётган пахтани сифатли қайта ишлаш учун тозалаш цехига УХК ва УК агрегатлари, толани ажратиш цехига янги, замонавий ДПЗ-180, толани тойлаш цехига эса Д-82-32 преслаш агрегатлари ўрнатилди.

Бугунги кунда завод тўла қувват билан ишлаб, туманда етиштирилаётган пахтани сифатли қайта ишлаб, хорижий давлатларга экспорт қилмоқда.

Заводда замонавий технологиялар асосида ишлаши йўлга қўйилганлиги боис, бир кеча-кундузда 65-70 тонна сифатли тола ишлаб чиқаришга замин яратилди. Янги технологияларнинг афзалликлари шундаки, аввал 1 тонна сифатли тола ишлаб чиқариш учун режада 325-КВТ/с кўрсатилган бўлса, ҳозир бу кўрсаткич 300 КВТ/с. га тушди. Ёки илгари 1 тонна сифатли тола ишлаб чиқариш учун режада 32.1 метр куб табиий газ кетадиган бўлса, бугунги кунда бу ишга 29.3 метр куб табиий газ сарфланмоқда.

Буни албатта, замонавий технолгияларнинг самараси, тежалаётган электр токи ва газни эса корхона иқтисодиётининг ўсишига ёрдам, деб баҳолаш мумкин.

**Элдор НАМОЗОВ,**
**"Инсон ва қонун" мухбири**

● Аср вабоси

# БОЛАЛАР МАЖРУҲ БЎЛМАСИН

**Инсониятнинг нафақат жисму жони, бутун ҳаётини заҳарлаётган нафси бузуқ оғуфурушлар орасида аёллар ҳам учраб туриши ачинарли ҳол.**

Бухоролик Г.Раҳимова ва самарқандлик Ф.Маматқулова она, аёл деган муқаддас номга доғ туширган кимсалардан. Улар Тожикистон Республикасидан контрабанда йўли билан гиёҳванд моддаларини олиб келиб, оғуфурушликни мақсад қилиб олдилар. Феруза Маматқулова 3 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиниб, амнистия қўлланилиб жавобгарликдан озод этилган эди. Афсуски, одил судловнинг инсонпарварлик тамойилларидан тегишли хулоса чиқариб олмади. Инсоният кушандасини сотиб даромад топиш дардида юрган Ферузага Гулнора ҳамтовоқ бўлди.

Гулнора алоҳида-алоҳида қилиб ўралган "героин" гиёҳвандлик моддасини шеригидан олиб, Коган шаҳрига сотиш учун йўлга чиққанда сафари қариди. Ўз касбининг усталари бўлган Самарқанд Ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари далиллар билан исботлаб бергач, шўрлик ота-она анчадан бери ўзлари сезиб юришса ҳам, тан олишга қўрқиб келган ҳақиқат олдида ожиз қолдилар.

Минг афсуски, бу нохуш воқеа фожианинг бошланиши эди, холос. Қўшни республикалардан бирига сафарга отланган А.Турғуновнинг йўловчи поездда мазаси қочди. Унинг аҳволи тобора оғирлашиб бораётганлиги сабаб, Каттақўрғон шаҳар касалхонасига жойлаштирилди. Лекин зудлик билан ўтказилган жарроҳлик амалиёти ҳам унинг ҳаётини сақлаб қололмади. Акмал гиёҳванд моддалари солинган кўп миқдордаги капсулаларни ютиб, ошқозонида олиб кетаётганида капсулалар, яъни елим қопчиқлар ёрилиб, ички органлари кучли заҳарланиши оқибатида вафот этди.



томонидан "Самарқанд - Бухоро" йўловчи поездида унинг қўл юки холислар иштирокида текширилганда, кўп миқдордаги гиёҳвандлик моддаси топилди.

Не ажабки, суд жараёнида ҳар икки аёл қилмишларига тўла иқрор бўлиб, "болалари касал"лиги сабабли бу ишга қўл урганлигини важ қилишди. Наҳотки, беморга бегуноҳ инсонлар ўртасида ажал уруғини тарқатишдан бўлак даво бўлмаса?

Бугунги кунда маънавияти бўш, руҳан заиф ёшларимиз бойлик йўлида имону эътиқодни унутган оғуфурушларнинг домига тушиб, ўз умрига зомин бўлмоқда.

Акмал эндигина 23 ёшни қаршилаган эди. Ота-онаси ёлғиз фарзанини катта умидлар билан уйлантирди-ю, лекин қувончлари узоққа чўзилмади. Турғуновлар авлодининг давомчиси саналган, Акмалнинг тўнғич боласи ногирон бўлиб туғилди. Шифокорлар бунинг сабаби гиёҳвандлик эканлигини таҳлилий

Унинг фожиаси айрим ёшларга сабоқ бўлиши лозим.

Президентимиз "Биз фарзандларимизни ҳеч кимга бериб қўймаймиз" деганларида, ёшларимизни турли иллатлардан, шу жумладан, гиёҳвандлик балосидан сақлашни назарда тутганлиги шубҳасиз.

Бу борада аҳоли ўртасида олиб борилаётган тарғибот ва ташвиқотнинг аҳамияти беқиёсдир. Шу мақсадда Самарқанд транспорт Прокуратураси томонидан ИИБ, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши ва бошқа тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган "Ёшлар орасида наркотик моддаларнинг тарқалишига қарши кураш" тадбир режасига кўра, бир қатор ижобий ишлар амалга оширилмоқда. Мақсадимиз, жамиятда соғлом турмуш тарзини барқарор сақлаш.

**Улуғбек ЭГАМБЕРДИЕВ,**
**Самарқанд транспорт прокурори,**
**Фарида ҚОРАҚУЛОВА,**
**«Инсон ва қонун» мухбири**

● Масъулиятсизлик

# МИЖОЗ БАНК УЧУН ЭМАС...

## банк мижоз учун хизмат қилиши керак-ку

**Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга ҳукуматимиз томонидан жиддий эътибор қаратилаётган бир пайтда айрим мансабдор шахслар ҳали-ҳануз тадбиркорлар йўлига тўсиқ бўлишдан ўзларини тиёлмаяптилар.**



Баъзан айрим хизмат кўрсатувчи муассасалар масъуллари ўз мажбуриятларини ҳис қилмай, тадбиркорлар манфаатига путур етказаётган ҳоллар ҳам учрамоқда. Бу борада АТ "Микрокредитбанк"нинг Бағдод туман минибанки билан тумандаги "Абдураҳим Турдалиев" фермер хўжалиги ўртасида юзага келган низони тилга олиш ўринли. Гап шундаки, банк ходимлари ҳеч қандай тўлов топшириқномасисиз ва фермернинг розилигисиз унинг ҳисоб рақамидаги 39031.29 сўмни жисмоний шахс В.Холдоровнинг ҳисобига, 22.568.54 сўм маблағни эса "PROMSNAB IMPEKS" кичик корхонаси, "Шарқ юлдузи", "Ойбек", "Баҳор" фермер хўжаликлари ва "Водий бахтли келажак" масъулияти чекланган жамиятининг кредит фоизларини қоплаш учун ўтказиб юборишади. Бундан ташқари, "Қишлоқ хўжалиги корхоналарининг давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган пахта ва ғалла етиштириш харажатларини тижорат банклари томонидан кредитлаш тартиби тўғрисида"ги Низомга асосан фермер хўжалигига пахта ва ғалла етиштириш учун ажратилган имтиёзли кредит фоизини ҳам 9805 сўм ортиқча олишган. Натижада фермер хўжалиги 71.402 сўм миқдорида зарар кўрган.

Фуқаролик кодексининг 773,783,785-моддаларида мижознинг банкдаги ҳисобварақда турган ўз маблағларини мустақил тасарруф этиши, банк ҳисобварақдан пул маблағларини мижознинг топшириғи асосида ўчириши, мижознинг топшириғисиз ҳисобварақда турган пул маблағларини ўчиришга суднинг қарори билан шунингдек, ушбу Кодексда ёки бошқа қонунда белгилаб қўйилган ёхуд банк билан мижоз ўртасидаги шартномада назарда тутилган ҳолларда йўл қўйилиши, мижозга келган пул маблағлари ҳисобвараққа ўз вақтида киритиб қўйилмаган ёки банк ҳисобварақдан маблағларни асоссиз равишда ўчирган ҳолларда банк мижозининг талаби билан тегишли суммани дарҳол ҳисобвараққа киритиб қўйиши, банк ўз вақтида киритилмаган ёки асоссиз ўчирилган суммага ушбу Кодекснинг 327-моддасига мувофиқ фоизлар тўлаши ва зарарнинг ўрнини қоплаши шартлиги қатъий белгиланган. Шунинг учун суд АТБ "Микрокредитбанк"нинг Фарғона вилоят филиалидан фермер хўжалиги фойдасига 71.402 сўм зарар суммаси ва шунча миқдорда жарима ундириш юзасидан ҳал қилув қарори қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари Вазирлар Маҳкамасининг ўтган 2007 йилда иқтисодийислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган мажлисидаги маърузасида мижоз банк учун эмас, банк мижоз учун хизмат қилиши лозимлигини алоҳида таъкидлагандилар. Буни банк ходимлари унутмасликлари лозим.

Ўйлаймизки, баён этилган қонунбузилиш ҳолатларида назорат қилувчи органлар ходимлари ҳам, хизмат кўрсатувчилар ҳам ўзларига тегишли хулоса чиқариб олишади. Зеро, тадбиркорлик фаолиятини ҳимоя қилиш бугун ёки эртанги эмас, балки бардавом вазифамиздир.

**Исмоил СОЛИЕВ,**
**Фарғона вилояти хўжалик суди раиси**

● Баднафслик

# ЎҒРИ "МУАЛЛИМЛАР"

## Андижон вилояти ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси раҳбари эътиборига

**"Ёшлар йили"да кўзда тутилган дастурларни бажариш мақсадида давлат ва кенг жамоатчилик олдига бир қанча вазифалар қўйилган. Жумладан, ёшларни замонавий касбларга йўналтириш, иш билан таъминлаш, улар орасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш каби вазифаларга умумдавлат миқёсида катта эътибор қаратиляпти. Жойларда касб-ҳунар коллежлари қуриб битказилиб, ёшларнинг таълим олиб, касб-ҳунар эгаллашлари учун кенг эшиклар очилиши бунга яққол мисол бўла олади. Бу масканларда ёшлар қандай таълим олмоқда?**



Қўрғонтепа тумани прокуратураси ҳудудимиздаги Қурилиш касб-ҳунар коллежида **"Таълим тўғрисида"**ги Қонун ижроси юзасидан текшириш ўтказди. Текширишда асосий эътибор таълим сифати ва самарадорлиги, талабаларнинг давомати, муассасада вояга етмаганларнинг ижтимоий ҳимоя қилиниши борасида амалга оширилган ишлар аҳволига қаратилди.

Мазкур коллежда 6 та йўналиш бўйича 18 гуруҳда 525 нафар талаба таҳсил олади. Талабаларга 26 нафар ўқитувчи ва 8 нафар ишлаб чиқариш таълим усталари таълим-тарбия бериб келмоқда. Коллеждаги аҳволни теранроқ таҳлил қилиб кўрсангиз эса... салбий ҳолатларнинг гувоҳи бўласиз.

Биринчидан таълим жараёнида қатор камчиликлар мавжуд. Айрим педагог ходимларга ўтилмаган машғулотлар учун иш ҳақи ёзилгани аниқланди. Бюджет маблағидан ортиқча пул тўлангани исботланди.

Коллежда иш ҳақи ва бошқа ижтимоий тўловларнинг тўланиши ўрганилганда коллеж директори Б.Абдураззақов ва бош ҳисобчиси А.Ҳусановлар қонунга зид равишда иш қилганлиги ошкор бўлди. Улар ўзаро жиноий тил бириктириб, АТ "Пахтабанк" Қўрғонтепа бўлимидан 3202591 сўм пулни ойлик маош ва бошқа тўловлар учун олади. Шундан 1159153 сўмини 38, 39, 43-сонли қайдномалар билан тарқатилди, деб сохта 4-сонли ҳисобот тузиб, шахсий манфаатлари учун ишлатиб юборишган. Бундан ташқари, Б.Абдураззақов ва А.Ҳусановлар ўзларининг жиноий ҳаракатларини давом эттириб, 2007 йил коллеж ўқитувчилари Н.Абдурасулованинг сентябрь ойидаги 24840 сўм суюнчи ва ноябрь-декабрь ойлари учун 65205 сўм нафақа пулини, Н.Ҳакимовани сентябрь-декабрь ойлари учун 114885 сўмлик нафақа пулларини, М.Атаеванинг октябрь-декабрь ойлари учун 102000 сўмлик нафақа пулларини бермасдан, ўзларининг шахсий манфаатларига сарфлаб юборганлар. Улар шу даражага бориб етганки, ҳатто коллежда чин етим сифатида ҳисобга олинган Т. Абдураҳмоновнинг январь-декабрь ойлари учун 237436 сўм ва шу каби талабаларнинг жами 544366 сўм стипендия пулларини ҳам жиғилдонларига урганлигини эшитган кишининг ҳайратдан ёқа ушлаши табиий.

Б.Абдураззақов ва А.Ҳусановлар мансаб ваколати суиистеъмол қилиш ва мансаб сохтакорлиги билан давлатнинг 1703519 сўмлик мулкини ўзлаштириш йўли орқали талон-тарож қилишган.

Текшириш натижасига кўра 1 та тақдимнома, 10 та интизомий, 15 та моддий, 10 та маъмурий, 1 та жиноят иши каби прокурор назорати ҳужжатлари қўллаш лозим бўлди.

**Улуғбек ЖЎРАЕВ,**
**Қўрғонтепа тумани прокурори,**
**Шуҳратбек МУСАЕВ,**
**"Инсон ва қонун" мухбири**

● Ижтимоий химоя

**Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш, меҳнат фаолиятини бошлаш ва мустақил ҳаётга кириб келишида уларга зарур ёрдам кўрсатиш, барқарор даромад манбаларини шакллантириш механизмлари ва амалий рағбатлантириш омилларини яратиш ҳамда уларнинг уй-жой ва маиший шароитларини яхшилаш мақсадида Президентимиз томонидан 2007 йил 18 майда "Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармонининг қабул қилиниши республикамизда ёшларга оид давлат сиёсатини амалга ошириш борасидаги ишларнинг узвий давомидир.**




## ёш оилаларни қўллаб-қувватлашда муҳим восита

Мазкур Фармонга кўра, республикамизнинг ҳар бир ҳудудида янги иш ўринлари очиш, ёшларни кичик бизнес ва тадбиркорликка фаол жалб қилиш, ёш оилаларга ўз ишини ташкил этиш учун микрокредитлар, ипотека ва истеъмол кредитлари ажратиш йўли билан уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш масалалари жойлардаги давлат ҳокимияти ва хўжалик бошқаруви органлари, тижорат банклари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, Маънавият тарғиботи маркази, "Маҳалла" жамғармаси, "Оила илмий-амалий маркази" каби ташкилотларнинг энг муҳим вазифаси этиб белгиланди.

Фармонда ёш оилаларга ажратиладиган уй-жой қуриш, реконструкция қилиш ва сотиб олишга ипотека кредити учун дастлабки бадал ёш оила аъзолари (эр ёки хотин)нинг иш берувчиси бўлган юридик шахслар томонидан банкка ўтказилиши мумкинлиги белгилаб берилди. Бунда, бадал суммаси ёш оила аъзоси (эри ёки хотини)нинг қайси бири номига ипотека кредити расмийлаштириладиган бўлса, унинг номига банкда очилган жамғарма омонат ҳисобварағига иш берувчи томонидан ўтказилади.

Бундан ташқари, мазкур Фармонга кўра, жисмоний шахслар — ёш оила аъзоларининг шахсий уй-жой ёки кўп қаватли уйда хонадон қуриш, таъмирлаш ва сотиб олиш учун олинган ипотека кредитлари ва улар бўйича ҳисобланган фоизларни қоплаш учун йўналтирилган суммаси солиққа тортилмаслиги белгилаб қўйилди.

Ушбу Фармонга мувофиқ ёш оилаларга имтиёзли кредитлар бериш тартибини белгилаб берадиган Марказий банк бошқаруви томонидан 2007 йил 9 июнда **"Тижорат банклари томонидан ёш оилаларга имтиёзли кредитлар бериш тартиби тўғрисида"**-ги Низом тасдиқланиб, Адлия вазирлигида 2007 йил 18 июлда давлат рўйхатидан ўтказилди. Мазкур Низомга кўра ёш оила деб ҳар бири 30 ёшдан ошмаган, биринчи марта расмий никоҳдан ўтган ёшлар кириши белгиланди.

Низомда ипотека кредитлари ёш оилаларга 15 йилдан кам бўлмаган муддатга якка тартибдаги уй-жой қурилиши ва сотиб олиш учун — қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг 3000 бараваригача, якка тартибдаги уй-жойни реконструкция қилиш, шунингдек, кўп квартирали уйдаги квартирани сотиб олиш учун эса — қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг 2500 бараваригача бўлган миқдорда берилиши белгиланган. Шунингдек, Низомга мувофиқ, тижорат банкларининг ўз маблағлари ҳисобидан ёш оилаларга бериладиган ипотека кредитлари уч йиллик имтиёзли давр билан фоиз ставкаси Марказий банкнинг амалдаги қайта молиялаш ставкасидан ортиқ бўлмаган миқдорда белгиланди.

Ёш оила аъзоларининг ипотека кредитини олиш учун тижорат банкларига топшириши керак бўлган ҳужжатларининг қатъий рўйхати Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан тасдиқланган **"Уй-жой қурилишига, уни реконструкция қилишга ва сотиб олишга ипотека кредити бериш тўғрисида"**-ги Низомда белгиланган.

Баён этилган ҳолатлар янги оила қураётган ёшларнинг ўз уй-жойларига эга бўлиб, жамиятимиз пойдеворини мустақил ва мустаҳкам оилалар билан тўлдиришлари учун давлатимиз томонидан барча шарт-шароитлар яратилаётганлигининг яққол намунасидир. Ўйлаймизки, бу ғамхўрликка ёшларимиз ҳам ватанимиз равнақи йўлида ўзларининг фидокорона меҳнатлари билан жавоб берадилар.

**Беҳзод БОЛИЕВ,**
**Адлия вазирлиги Иқтисодий қонунчилик бошқармаси бошлиғи ўринбосари**

● Имконият

# "LexUz" ҲУҚУҚИЙ АХБОРОТ ҚИДИРИШ ТИЗИМИ"

## Ўзбекистоннинг миллий қонунчилик базаси дастури - Интернетда

**Мамлакатимизда аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Мустақиллигимизнинг дастлабки кунларидан бошлаб республикамиздаги ҳокимият ва ҳуқуқ-тартибот идоралари, вазирликлар, ташкилотлар, жамоат бирлашмалари ҳамда оммавий ахборот воситалари бу борада изчил иш олиб бормоқдалар. Муҳими, мувофиқлаштирилган қонунчилик базаси шакллантирилмоқда.**

Қонунчилик базасининг муҳим аҳамиятга эга эканлигини назарда тутиб 15-16 май кунлари Тошкент шаҳридаги "Ўзэкспомарказ"нинг кўргазмалар павильонида "Best soft — Uzbekistan 2008" мавзуида компьютер дастурларининг йиллик миллий кўргазмаси ўтказилди. Унда юртимиздаги Софт саноатининг эришган ютуқлари намойиш қилинди.

Мазкур кўргазма хусусида, компьютер дастурлари борасида Адлия вазирлиги ҳуқуқий ахборот билан таъминлаш маркази раҳбари Ш.Яминов билан суҳбатлашдик.



**— Айтинг-чи, ушбу дастур Интернет тармоғига уланишининг аҳамияти нимада?**

— Бу дастурнинг Интернет тизимига уланиши ва ишлаши таъминланиб, у мазкур тизимда ўз ўрнини эгаллади. Ўзбекистон Республикасининг миллий қонунчилик базаси дастурига "LexUz" ҳуқуқий ахборот қидириш тизими" деган ном берилди. Ҳозирги кунда интернетга кириш имконига эга бўлган дунё аҳлига Адлия вазирлигининг расмий Интернет сайти ва махсус www.lex.uz сайти орқали мамлакатимиз қонунчилиги билан танишиш имкони яратилди. Мазкур сайтда қонун ҳужжатлари билан ўзбек ва рус тилларида танишиш мумкин.

**— Дастурнинг яратилиш жараёни ҳақида сўзлаб берсангиз?**

— Адлия вазирлигининг ҳуқуқий ахборот билан таъминлаш маркази томонидан "LexUz" ҳуқуқий ахборот қидириш тизими" дастури лойиҳасини ишлаб чиқиш мақсадида ахборот технологиялари ва компьютер дастурлари бўйича катта тажриба, билим ва малакага эга бўлган мутахассислар жалб қилинди ҳамда хорижий мамлакатларда яратилган ҳуқуқий ахборот қидириш тизимлари ўрганилди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Вазирлар Маҳкамасининг тегишли тузилмалари ва бошқа ташкилотларнинг мутахассислари билан ҳамкорликда иш олиб борилди.

**— Маълумки, "Норма" ва "Право" қонунчилик базалари мавжуд, "LexUz" базасининг улардан фарқли жиҳатлари нимада?**

— Таъкидлаш жоизки, "LexUz" ҳуқуқий ахборот қидириш тизими" ўзи каби бошқа тизимлардан замонавийлиги, норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг ҳар бир кичик элементига алоҳида (уникал) код бериш тизимига асосланганлиги билан фарқ қилади. Дастурнинг яратилиши давлат органлари, мансабдор шахслар, фуқаролар ва юридик шахсларга, халқаро ва хорижий ташкилотларга Ўзбекистон қонунчилигидан бохабар бўлиш имконини беради. Компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш дастурининг муваффақиятли амалга оширилаётганлиги натижасида мамлакатимизнинг энг олис туман ва қишлоқлари аҳолиси ҳам интернет воситасида "LexUz" ҳуқуқий ахборот қидириш тизими"дан фойдаланиш имконига эга бўлди.

**Суҳбатдош:**
**Меҳрибон АББАСОВА,**
**Адлия вазирлиги катта маслаҳатчиси**

**Маълумки, Фуқаролик кодекси шартнома интизомини тартибга солувчи барча қоидаларни ўзида мужассамлаштирган ҳуқуқий-норматив ҳужжат ҳисобланади.**

● Ҳуқуқий маърифат

# ФЬЮЧЕРС ШАРТНОМАСИ

Шунингдек, **"Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида"**ги Қонуннинг қабул қилиниши ҳам Фуқаролик кодекси қоидаларини аниқ ва соддалаштирилган ҳолда амалиётда қўллаш имконини берди.

Тажрибадан маълумки, бирон-бир тадбиркорлик субъекти шартнома — тузмасдан туриб, тижорат билан боғлиқ бўлган тадбирларни, келажакдаги тадбиркорлик режаларини, олди-сотди ёки бошқа битимларни амалга оширишини тасаввур қилиб бўлмайди. Чунки, шартнома — бу фуқаролик муносабатларини тартибга солувчи шундай бир ҳужжатки, бунда тадбиркорнинг фойда олиш дастурлари, режалари, интилишлари, қизиқиш ва манфаатлари ўз ифодасини топади.

Бозор иқтисодиёти шароитида хўжалик субъектлари ўртасидаги иқтисодий муносабатларнинг натижаси, кўзда тутилган тижорат билан боғлиқ бўлган тадбирларнинг якуни аксарият ҳолларда шартноманинг қандай тузилганлиги ёки расмийлаштирилганлигига боғлиқ бўлади.

Бу табиий ҳол, шартномада томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, уларнинг жавобгарлиги, етказиб бериладиган маҳсулот нархи, муддати, ҳисоб-китоб қилиш тартиблари кўрсатилади.

Эндиликда мева-сабзавот етиштириш соҳасида фьючерс шартномаси ҳам кенг тарқалди.

Фьючерс шартномаси бўйича хўжалик тайёрловчига қишлоқ хўжалиги маҳсулотини етказиб бериш, тайёрловчи эса уларни қабул қилиш ва қийматини тўлаш мажбуриятини ўз зиммасига олади. Мазкур шартномада тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари қуйидагича белгиланади.

Жумладан, хўжалик шартномада белгиланган муддатда уруғлик (кўчат) ашёлари ҳамда идиш ва ўраб жойлаш материаллари билан таъминлашни тайёрловчидан талаб қилишга, маҳсулотни топшириш ва сифатини аниқлашда қатнашишга, маҳсулотни ташиш бўйича транспорт харажатларини қоплашни тайёрловчидан талаб қилишга, тайёрловчи томонидан уруғлик (кўчат) ашёлари ўз вақтида етказиб берилмаганда, шунингдек, бўнак тўловлари, якуний ҳисоб-китоблар ўз вақтида амалга оширилмаганда етказилган зарарни қоплашни талаб қилишга ҳақлидир. Шунингдек, хўжалик мазкур шартномада белгиланган муддатларда керакли материалларни тайёрловчидан қабул қилиб олиш, топширилаётган маҳсулотнинг сифати ва нави техник шартлар ҳамда шартномада белгиланган мажбурий шартларга мос келишини таъминлаш, маҳсулот



сотиш бўйича шартномавий мажбуриятлар бажарилмаган ҳолатларда, тайёрловчига тўлаган маблағлари бўйича қарздорликни қоплаш мажбуриятини олади.

Бундан ташқари, тайёрловчи ҳам шартнома бўйича ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларига эга бўлиб, топшириладиган маҳсулотнинг сифати ва нави, техник шартлар ва белгиланган мажбурий шартларга мос келишини, тўланган бўнак (аванс-)ни ва бўнак ҳисобидан олинган уруғлик маҳсулотларининг ҳақини топширилган маҳсулот ҳақи ҳисобидан узиб боришни талаб этишга ҳақли.

Ҳар қандай шартнома бажарилишида тарафлар ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларига тўлиқ амал қилгандагина белгиланган мақсадга эришиш мумкин.

Хулоса ўрнида шуни айтиш жоизки, тадбиркорлик субъектлари ўртасида шартномавий муносабатларни жаҳон андазалари даражасига етказиш, бу соҳанинг янада ривожланишига, республикамиз ялпи ички маҳсулотдаги улушини янада кўпайтиришга ўз ҳиссасини, албатта, қўшади.

**Ботир НАМОЗОВ,**
**Адлия вазирлиги масъул ходими**

● Нуқтаи назар

# БАЛИҚЧИЛИК ТАРМОҒИ

## Сув ва балиқ ресурсларидан оқилона фойдаланиш давр талаби

**Бугунги кунда мамлакатимизда овчилик-балиқчилик учун мўлжалланган ерларнинг умумий майдони 3776,4 минг гектарни ташкил этади. Республикамизда умумий сув манбаининг 1,5 фоизидан балиқчилик хўжалигини юритиш мақсадида фойдаланилади. Ўзбекистон Республикасининг "Ҳайвонот дунёсидан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш тўғрисида"ги Қонунига биноан, ҳайвонот дунёсидан, хусусан балиқ ресурсларидан фойдаланувчилар уларни қайта тиклаш бўйича зарур чора-тадбирлар олиб боришлари лозим.**

Республикамизда 1960 йиллардан бошлаб шу кунга қадар бўлган даврдаги балиқчилик тармоғи фаолиятини шартли равишда тўрт босқичга бўлиб ўрганишимиз мумкин:

Биринчи давр 1960-1970 йилларни қамраб олади. Ушбу давр Орол ва табиий сув ҳавзаларида балиқларни овлаш билан боғлиқ босқични ўз ичига олади. Бу йиллар балиқ овлаш кескин (1970-1969 йилга нисбатан 2 баравар-га) кўпайган. Ушбу даврда сув ва балиқ ресурсларидан экстенсив, маълум бир режага асосланмаган ҳолда ноoқилона, ҳатто исрофгарчилик билан фойдаланилган, дейиш мумкин.



Иккинчи давр 1970-1990 йилларни ўз ичига олади. Бу даврда саноат аҳамиятидаги балиқларни овлаш асосан сув ҳавзалари ва кўлларда олиб борилган. Орол денгизининг қуриб бориши балиқ ресурслари миқдорининг секин-аста камайишига олиб келган.

Учинчи давр 1991-2003 йилларга тўғри келади. Бу йилларда ҳам балиқ овлаш ҳажми камайиши изчил давом этган ва 2003 йилда бу кўрсаткич 1188,7 тоннага етган эди. Бу анчайин кам миқдор саналади.

Тўртинчи давр эса 2003-2010 йилларни қамраб олади. 2003 йил 13 августда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг **"Балиқчилик тармоғида монополиядан чиқариш ва хусусийлаштиришни чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"**ги қарори қабул қилинди. Шунингдек, Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Давлат бионазорат бошқармаси ва Ўзбекистон Фанлар Академияси Зоология институти томонидан мавжуд муаммоларни ҳал қилиш, камчиликларнинг олдини олиш мақсадида тегишли режа ва тадбирлар ишлаб чиқилди. Айни пайтда уларни босқичма-босқич амалга ошириш бўйича ибратли ишлар қилинмоқда.

Табиатнинг ўзига хос меъёр ва мезонлари бор. Хусусан, балиқлар захирасининг ҳаддан зиёд камайиши сув ҳавзаларининг биологик ҳолатига жиддий салбий таъсир этади. Аввало, кўпайишнинг генетик хилма-хиллигининг пасайиши биологик турларнинг ўзгараётган атроф, табиий муҳитга мослашишини қийинлаштиради. Меъёридан зиёд овланадиган балиқ турларининг йўқолиб кетиш ҳолатини юзага келтиради. Муайян балиқ турининг камайиши эса йиртқич ва майда тур балиқлараро муносабатларда ўзгаришлар пайдо бўлишига туртки бўлади ҳамда маълум маънода экотизим мувозанатига путур етказиши мумкин.

Тармоқ ишини яхшилаш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар айни шу каби ҳолатларнинг олдини олишга, балиқчиликни янада ривожлантириш, балиқ захираларини мунтазам бойитиб боришга қаратилган.

**Суннатилло АБДУРАСУЛОВ,**
**ТДЮИ магистранти**

● Талаба талқини

# ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯ

## иқтисодий ривожланишнинг муҳим омилларидан бири

**Миллий қонунчилигимизда ташқи иқтисодий фаолият йўналишига алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. 1991 йил 14 июнда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасининг Ташқи иқтисодий фаолияти тўғрисида"-ги Қонуннинг 1-моддасида ташқи иқтисодий фаолият тушунчаси изоҳлаб ўтилган.**

Унда белгиланишича, Ўзбекистон Республикасининг ташқи иқтисодий фаолияти деганда, идораларнинг, юридик ва жисмоний шахсларнинг халқаро ташкилотлар билан ташқи иқтисодий ҳамкорлик ўрнатишга, бундай ҳамкорликни ривожлантиришга қаратилган амалий ҳаракатлари тушунилади.

Иқтисодиётга инвестицияларни жалб этиш ҳукуматимиз иқтисодий сиёсатининг устувор вазифаларидан бири саналади. Президентимиз таъкидлаганидек, **"Бозор ислоҳотларини чуқурлаштириш, иқтисодиётни эркинлаштириш ва мулк ҳуқуқини ҳимоя қилишни мустаҳкамлашга қаратилган чораларнинг амалга оширилиши мамлакатимизда инвестиция муҳитини яхшилаш ҳамда ҳажми тобора ортиб бораётган хорижий сармояларни жалб қилишда ижобий таъсир кўрсатади"**. Инвестициялар кириб келишининг кўпайиши республикамизда кенг кўламда амалга оширилаётган демократик ислоҳотлар самарадорлигининг чет эллик ҳамкорлар томонидан эътироф этилаётганининг ифодасидир.

Қулай инвестиция муҳитини яратишнинг асосий шартларидан бири чет эл инвесторларининг ҳуқуқларини ва уларга бериладиган кафолатларни таъминлайдиган қонунчиликни, норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштиришдир. Ўзбекистонда чет эл инвестициялари билан боғлиқ муносабатлар "Чет эл инвесторлари ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида"ги, "Чет эл инвестициялари тўғрисида", "Инвестиция фаолияти тўғрисида"-ги қонунлар, шунингдек, Президентимизнинг қатор Фармон ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ҳамда бошқа ҳужжатлар билан тартибга солинади. Бу борада яратилган мустаҳкам ҳуқуқий база бевосита чет эл инвестицияларини жалб этишни рағбатлантиришга ҳамда уларнинг ҳуқуқий ҳимоя қилинишини таъминлашга хизмат қилаётир. Мамлакатимиз қонунлари чет эл инвесторлари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш чоралари билан бирга, уларга қўшимча имтиёз ва преференциялар беришга йўналтирилган нормалар тизимини ҳам белгилаб беради.

**Сардор ҲАСАНОВ,**
**Ўзбекистон Миллий Университети магистранти**

● Имтиёз

# ҲАРБИЙ ХИЗМАТЧИЛАР

## давлат муҳофазасида

**Ҳарбий хизмат ёшлар учун мустаҳкам ҳаётий принциплар, юксак ватанпарварлик фазилатлари шаклланадиган жисмоний ва маънавий чиниқиш мактабидир.**

Ўзбекистон Республикасининг **"Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида"**ги Қонуни, Президентимизнинг 2005 йил 31 октябрдаги **"Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафида муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчиларга бериладиган имтиёзлар тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"**ги Қарорига мувофиқ ҳамда фуқароларнинг муддатли ҳарбий хизматни ўташ самарадорлигини ошириш, уларнинг олий ўқув юртларига ўқишга кириши учун имтиёз ва шароитлар яратиш мақсадида Қуролли Кучлар сафида муддатли ҳарбий хизматни ўтаб бўлган фуқаролар учун республика олий ўқув юртларига ўқишга киришда тест синовларида тўпланадиган энг кўп баллнинг 25 фоизи миқдорида қўшимча балл шаклидаги имтиёз бериш белгиланган.

Мазкур Қарорга биноан имтиёз ҳарбий қисм қўмондонлигининг тегишли тавсияномасига эга шахсларга берилади ва истисносиз барча олий ўқув юртларида таълимнинг ҳамма йўналишларига жорий этилади.

Ҳарбий қисм қўмондонлиги тавсияномасига эга бўлган, бироқ танлов давомида (тест синовида) керакли балл тўплай олмаган муддатли ҳарбий хизматни ўтаган абитуриентлар ўқишнинг педагогика, қишлоқ хўжалиги, табиий-илмий ва техник йўналиши бўйича олий таълим муассасаларига тўлов-контракт асосида қабул қилинади.

Бундан ташқари, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати муддатли ҳарбий хизматни ўтаган ва тўлов-контракт шакли бўйича ўқишга қабул қилинган талабаларга ўқиш даврида "Камолот"нинг талаба ташкилотлари фаолиятида фаол иштирок этган тақдирда контракт суммасининг 35 фоизини моддий ёрдам сифатида тўлаб беради.

Шунингдек, ҳарбий қисмлар кун тартибига, жанговар ва ижтимоий-сиёсий тайёргарлик машғулотлари режаси ва дастурларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди, бунда ҳарбий хизматчиларни танлаган ихтисосликлари бўйича мамлакат олий ўқув юртларига ўқишга киришлари учун ҳафтасига камида 4 соатлик қўшимча машғулотлар ўтказиладиган бўлди. Ҳарбий округлар қўмондонлари билан биргаликда ҳарбий қисмларда муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчиларни самарали тарзда касбга йўналтириш, хизматни ўташ даврида ҳарбий ва фуқаролик мутахассисликларини эгаллашларига, ёшларни мустақил ҳаётга тайёрлашга қаратилган зарур ташкилий-техник шарт-шароитлар яратилди.

Муддатли ҳарбий хизматни ўтаган фуқароларнинг олий ўқув юртларига ўқишга киришга самарали тайёргарлик кўришларини ташкил этиш бўйича тадбирлар ишлаб чиқилиб, улар учун бепул тайёрлов курслари тармоғини кенгайтириш ишлари амалга оширилмоқда.

**Дилмурод САЪДУЛЛАЕВ,**
**ТДЮИ 2-курс магистранти**

# ТУҒИЛГАНЛИКНИ ҚАЙД ЭТИШ



**Оилада фарзанд туғилиши инсон ҳаётидаги энг қувончли лаҳзалардан бири ҳисобланади.**

ФҲДЁ органлари ходимлари томонидан туғилиш ҳолатининг қайд қилиниши катта масъулият талаб қилади.

Боланинг туғилишини қайд этиш мажбурий бўлиб, бола туғилган жойдаги ёки ота-онасидан бирининг доимий яшаш жойидаги ФҲДЁ органида амалга оширилиши лозим.

Туғилганликни қайд этишда боланинг туғилганлиги ҳақида тиббий маълумотнома, ота-она шахсини тасдиқловчи ҳужжатлар ва никоҳ гувоҳномаси талаб этилади.

Туғилганлик ҳақидаги ариза бола туғилган кундан бошлаб бир ой муддат ичида берилиши зарур.

Белгиланган муддатнинг ўтиб кетганлиги туғилганликнинг қайд этилишига тўсқинлик қила олмайди.

Туғилганликни қайд эттириш учун Оила кодексида белгиланган бир ойлик муддатни ўтказиб, бола 16 ёшга тўлгунча мурожаат этилган ҳолларда туғилганликни қайд қилиш рад этилмайди, балки умумий асосларда амалга оширилади. Бундай ҳолларда заруриятга қараб, қўшимча равишда маълумотлар талаб қилиниши мумкин.

Агар ота-оналар ўртасида никоҳ қайд этилмаган бўлса (туғилишни қайд қилишда отаси қатнашмаган тақдирда) боланинг отаси ҳақидаги ёзув онанинг нотариал ёки тиббий муассаса томонидан тасдиқланган аризаси бўйича амалга оширилади.

Эгизак (икки ва ундан ортиқ) болалар туғилганда уларнинг ҳар бири учун туғилганлик ҳақида тиббий маълумотнома тақдим этилиши керак, улар асосида туғилганлик ҳақида алоҳида гербли гувоҳномалар берилади.

Боланинг туғилганлигини қайд этишда унга ота-онасининг келишувига кўра ота ёки онанинг фамилияси, боболаридан бирининг ёхуд отанинг исми бўйича берилади.

**Зулфия ЗАЛИЛОВА,**
**Адлия вазирлиги масъул ходими**

● Мезон

# НИКОҲДА МУЛКИЙ МУНОСАБАТЛАР

**Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Оила кодексига биноан, эр ва хотиннинг никоҳ давомида орттирган мол-мулклари, шунингдек, никоҳ қайд этилгунга қадар бўлажак эр-хотиннинг умумий маблағлари ҳисобига олинган мол-мулклари уларнинг биргаликдаги умумий мулки бўлиб, эр-хотиннинг улушлари тенг бўлинади. Умумий мулкка эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этишда улар тенг ҳуқуқларга эгадирлар.**

Одатда, оилалар бузилиши ва никоҳ бекор қилиниши билан мулкий низолар ҳам пайдо бўлади.

Оилада эр-хотиннинг мулкка бўлган ҳуқуқларига оид масалаларни никоҳ шартномасини расмийлаштириш орқали тартибга солиш мумкин.



Никоҳ шартномаси никоҳланувчи шахсларнинг, эр-хотиннинг никоҳда бўлган даври ёки никоҳ бекор қилинганда уларнинг мулкий ҳуқуқ ҳамда мажбуриятларини белгиловчи келишув ҳисобланади. Мазкур шартнома ФҲДЁ органида қайд этилгунга қадар ҳам, шунингдек, никоҳ даврида ҳам тузилиши мумкин. Фақат у никоҳ давлат рўйхатига олинган кундан бошлаб кучга киради ва ёзма шаклда тузилиб, албатта, нотариал тартибда тасдиқланиши лозим.

Никоҳ шартномаси орқали эр ва хотиннинг биргаликдаги ёки барча мол-мулкига, унинг айрим турларига, улардан ҳар бирининг мол-мулкига нисбатан биргаликдаги, улушли ёки алоҳида эгалик қилиш тартиби ўрнатилади. Ушбу шартнома уларнинг мавжуд мол-мулкига нисбатан ҳам, бўлғуси мол-мулкига нисбатан ҳам тузилиши ҳамда эр-хотиннинг келишуви билан исталган вақтда ўзгартирилиши ёки бекор қилиниши мумкин.

Никоҳ шартномаси қандай шаклда тузилган бўлса, унинг ўзгартирилиши ёки бекор қилиниши ҳам шундай шаклда амалга оширилади. Уни бажаришдан бир томонлама бош тортишга йўл қўйилмайди ва у эр-хотиндан бирининг талаби билан фақат суднинг ҳал қилув қарори асосида ўзгартирилади ёки бекор қилинади.

**Ульяна ДЁ**
**Тошкент шаҳар нотариуси**

## ОСОЙИШТАЛИК ПОСБОНЛАРИ

мустақил диёримиз тинчлигини таъминлайдилар

**Юртимиз тинчлиги ва осойишталиги, халқимизнинг фаровон турмуш кечириши энг олий бахтимиздир. Албатта, мустақил диёримиз тинчлигини таъминлашда осойишталик посбонлари - ички ишлар тизими ходимлари ҳам муҳим ўрин эгаллайдилар.**

Бу борада профилактика инспекторлари хизматини алоҳида эътироф этиш жоиз. Ички ишлар тизимининг энг қуйи бўғини ходими ҳисобланган профилактика инспекторлари зиммасига ўта масъулиятли вазифалар юклатилган. Чунончи, маҳаллаларда жамоат тартибини сақлаш жиноятчиликнинг олдини олиш, аҳоли хавфсизлигини таъминлаш, ички ишлар идораларида ҳисобда турадиган шахслар билан профилактик тадбирларни амалга ошириш профилактика инспекторларидан алоҳида қунт ва маҳоратни талаб этади. Шуни алоҳида эътироф этиш жоизки, бу борада профилактика инспекторларига маҳалла посбонлари ҳам яқиндан ёрдам беришади. Зотан, халқимизда маҳалла - азал-азалдан муқаддас даргоҳ саналади. Унда истиқомат қилувчилар қон-қариндошдек бир-бирларини қўллаб-қувватлайдилар, яхши-ёмон кунларида бир-бирларига суянчиқ, мададкор бўладилар. Шу маънода маҳалла посбонларининг профилактика инспекторларига кўрсатаётган ёрдамлари беқиёсдир. Айниқса, маҳаллалар қошида ташкил этилган Милиция таянч пунктида маҳалла микёсида мавжуд муаммолар ҳал этилади, турли кўнгилсиз ҳолатларнинг олдини олиш ва бартарам бериш юзасидан тегишли чора-тадбирлар амалга оширилади. Шунингдек, амалдаги қонун талабларини аҳолига етказиш ва унинг ижросини назорат қилиш, маҳалла ҳудудидаги корхона, ташкилот ва ўқув муассасаларида аҳоли билан учрашувлар ўтказиш, аҳоли томонидан паспорт, виза қоидасига риоя этилишини мунтазам равишда назорат қилиш, текшириб бориш ҳам профилактика инспекторларидан алоҳида диққат-эътиборни талаб этади. Қолаверса, билиб-билмай жиноятга қўл уриб, жазо муддатини ўтаб қайтган шахсларни соғлом турмуш тарзига қайтариш, ишга жойлашишида яқиндан кўмак беришда профилактика инспектори алоҳида жонбозлик кўрсатиши даркор. Бу албатта, жиноятчиликнинг олдини олишда муҳим ўрин эгаллайди.

**Ихтиёр БОЙМУҲАММЕДОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси ИИВ академияси тингловчиси**



● Табиат ва биз

# ЭКОЛОГИК НАЗОРАТ

**Инсоният тарихида жамият билан табиат ўртасида тўхтовсиз ва турли хил ўзаро ўзгаришлар рўй бериб келган. Бу, айниқса, XX асрга келиб юқори даражада кучайди. Ер сайёрасида юз бераётган табиий жараёнларнинг 9/10 қисмида инсон фаолиятининг маҳсули акс этмоқда. Афсуски, бу жараёнлар ижобий ҳодиса эмас. Бу асосан табиий ресурсларнинг камайиши, атроф-муҳит ифлосланиши ва экологик тизимларнинг бузилишида кўринади. Маълумотларга қараганда, кейинги юз йилда дунёда 2 миллиард гектар ернинг унумдорлиги пайсайган.**

Ҳозирги кунда экологик хавфсизлик муаммоси минтақавий ва миллий хавфсизлик чегараларидан чиқиб, глобал муаммога айланган. Табиат ва инсон бир-бири билан боғлиқдир, бу боғлиқликка путур етказиш тузатиб бўлмайдиган экологик фожиаларга олиб келиши мумкин. 1970 йилларда ғарб эколог олимлари бу муаммони айланиб ўтиб бўлмаслигини таъкидлагандилар. Инсониятнинг жадал ривожланиши тупроқ эрозиясига, ўрмонларнинг йўқ бўлиши, кислотали ёмғирлар кўпайиши, атмосферанинг ифлосланиши, озон қатламининг емирилиши каби ҳолатларга олиб келди. Ўтган асрнинг 50-йилларида ўрмонлар қуруқликнинг 1/4 қисмини эгаллаган бўлса, 2000 йилда 1/6 қисмини эгаллаган. Дунё океанининг ифлосланиши эса ортди.

Техника тараққиёти яна кўпроқ ашёларни талаб қилмоқда. Йил сайин дунё аҳолисининг ўсиши озиқ-овқат, ёнилғи ҳамда кийим-кечак танқислигини юзага келтираётир. Натижада ўрмон ерлари камайиб, чўллашиш жараёни кучаймоқда, Ернинг ўртача ҳаво ҳарорати кўтарилиб бормоқда. Химиявий-термоядровий тажрибалар олиб борилиши, оммавий қирғин қуроллари ишлаб чиқарилиши, саноат ривожланиши инсоният учун энг катта хавф-хатарлардан бири бўлиб турибди.

Экологик муаммоларни ечиш бирор бир мамлакат доирасида эмас, дунё миқёсида амалга ошириладиган ишдир. Инсониятнинг тарихий тажрибаларидан аёнки, табиатга ўзбошимчалик билан таъсир кўрсатиш, салбий оқибатларга олиб келади.

Ўзбекистонда экология назоратининг мустаҳкам тизими яратилган. Мазкур тизим атроф табиий муҳит ҳолатини кузатиб бориш давлат хизмати, давлат экология назорати, идоравий экология назорати, ишлаб чиқариш экология назорати, жамоатчилик экология назорати каби таркибий қисмлардан иборат.

Атроф табиий муҳит ҳолатини кузатиб бориш давлат хизматининг асосий йўналишларини Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Гидрометеорология бош бошқармаси амалга оширади. Давлат экология назоратини — Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Ер ресурслари давлат қўмитаси, шунингдек, Саноат ва кончилик назорати агентлиги каби махсус ваколатли давлат органлари амалга оширадилар. Экология соҳасида идоравий назорат, табиий ресурслардан фойдаланиш ва табиатни муҳофаза қилиш билан боғлиқ ишлар барча вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралари тизими доирасида олиб борилади. Ишлаб чиқариш назорати эса — ишлаб чиқариш ва хўжалик фаолиятини олиб бораётган корхона, муассаса, ташкилотлар доирасида, экология соҳасида жамоат назорати жамоат бирлашмалари, меҳнат жамоалари, сиёсий партиялар, турли уюшма ва жамиятлар, фуқаролар томонидан амалга оширилади.

Мамлакатимизда экологияни асраб-авайлашда фуқароларимиздан тортиб то давлат органларигача иштирок этадилар. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Табиатни муҳофаза қилишнинг ҳуқуқий асослари **"Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида"**ги, **"Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида"**ги, **"Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида"**ги, **"Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида"**ги, **"Ўрмон тўғрисида"**ги қонунлар, "Ер кодекси" ва бошқа ҳужжатларда акс этган. Ноқонуний хатти-ҳаракатлар содир этган шахсларга нисбатан эса тегишли жазолар белгиланган. Зеро, она табиатни асраб-авайлаш инсониятнинг бугунги ҳаёти ва келажаги учун ҳам энг муҳим иш саналади.

**Комрон НИГМАТОВ,**
**Дилмурод САТВАЛДИЕВ,**
**ТДЮИ магистрантлари**

# "АСАКА" БАНК: ЛИЗИНГ ОПЕРАЦИЯЛАРИ

**Ўзбекистоннинг энг йирик банкларидан бири - "Асака" давлат акциядорлик тижорат банки хўжалик субъектларига ва республика аҳолисига кўрсатилаётган банк хизматлари ҳажмини лизинг ва кредит операциялари орқали кенгайтирмоқда. Молиялаштириш манбаи сифатида банкнинг шахсий воситаларидан ҳам, Халқаро молия институти ва хорижий банклардан жалб қилинётган кредит тизимларидан ҳам фойдаланилмоқда.**

Лизинг хизматлари борасида етакчилардан бири бўлган "Асака" банки бу молиявий воситани тадбиркорлар давраси учун имкони борича қулайлаштириш мақсадида лизинг бўйича норматив-ҳуқуқий базани доимий равишда такомиллаштириб бормоқда.

Банк фаолиятида лизинг операциялари алоҳида йўналишни ташкил этади. Банк лизинг хизматини 2004 йилдан бошлаб фаол тақдим эта бошлади. Шу вақт давомида жами 26,5 миллиард сўмга 765 дан ортиқ лойиҳалар молиялаштирилди.

2008 йилнинг 1 майига келиб лизинг портфелининг қолдиғи 165 лойиҳа бўйича 24,23 миллиард сўмни ташкил этади.

**Банк портфели ўсишининг динамикаси**

Банк лизинг портфелининг тармоқ тузилиши қуйидаги йўналишларни ўз ичига олади: қишлоқ хўжалиги техникаси ва паррандачилик, полиграфия, тиббиёт, савдо, гилам тўқиш ва бошқа соҳаларда қўлланувчи қурилмалар, махсус техника ва автолизинг, шунингдек, офис, супермаркет, АЁҚШ ва бошқа мол-мулк турлари.

Шундай хизмат турларини оммалаштириш ва иқтисодиётнинг истиқболли соҳаларини ривожлантиришда иштирок этаётган кичик бизнеснинг долзарб лойиҳаларини амалга ошириш мақсадида 2007 йили "Асака" банкка Ислом тараққиёт банки (ИТБ) томонидан берилган 8 миллион АҚШ доллари миқдоридаги янги молиялаштириш тизими жалб қилинган. Бу тизим бўйича молиялаштириш халқаро лизингнинг бир тури ҳисобланади. Бу ҳолатда лизинг берувчи ИТБ, лизинг олувчи эса "Асака" банки-мижоз ҳисобланади. "Асака" банки ИТБга халқаро лизинг бўйича Мижоз мажбуриятлари қайд этилган банк кафолати юборади. Шуни қайд этиш лозимки, республика банклари Экспорт-Кредит Агентликларининг қимматбаҳо суғурталарини жалб қилишда фойдаланадиган бошқа ташқи кредит тизимлари тартиб-қоидаларидан фарқли ўлароқ, бу кредит тизими бўйича Ислом тараққиёт банкига "Асака" банкининг кафолати кифоя қилади.

Шунинг учун, лойиҳа ташаббускори қулай ва манфаатли шароитларда замонавий технологияларни сотиб олиш имкониятига эга бўлади

Аниқроқ маълумот олиш учун лойиҳа ташаббускори "Асака" банкининг мутахассисларига ёки Ўзбекистондаги Ислом тараққиёт банкининг бўлимига мурожаат қилиши мумкин.

Бундан ташқари, банк хизматларининг бу йўналишида "Асака" банки кўплаб халқаро молия ташкилотлари ва банклар билан муваффақиятли ҳамкорликни йўлга қўйган. Бу хорижий ташкилотлар қаторига Simitomo Mitsui banking Corporation (Япония), Eximbank of Korea, Korea Exchange Bank (Корея), Commerz Bank AG, LandesBankBerlin, DresdnerBank, Bayerische Hupo Und Vereins Bank AG (Германия), Banco Santander (Испания), UBS (Швейцария) ва бошқаларни киритишимиз мумкин.

Республика раҳбарияти ва ҳукумати мамлакатда лизингни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратиб, унинг ривожланишини тезлаштириш мақсадида солиқ преференцияларини ҳам қўлламоқда. Бугунда лизинг олувчи корхоналар учун имтиёзлар берувчи бир неча қонун ва норматив актлари қабул қилинган. Бундай имтиёзлар сирасига: лизингга бериладиган, яъни республикага олиб келинган технологик асбоб-ускуналарни божхона тўловлари ва НДСдан озод қилиш; лизинг олувчи корхоналарни лизинг шартномасига амал қилувчи муддатда лизинг ҳажми бўйича мол-мулк солиғини тўлашдан озод қилиш ва бошқа қулайликларни мисол келтириш мумкин. [t]

**"Асака" банкининг лизинг операциялари бошқармаси**

## ЭЪЛОН!

**Тошкент Давлат юридик институти қуйидаги лавозимларга танлов эълон қилади:**

1. "Фуқаролик ҳуқуқи" кафедраси:
Доцент — 1;
Катта ўқитувчи — 1.
2. "Халқаро хусусий ҳуқуқ" кафедраси:
Ўқитувчи — 1.
3. "Жиноят процесси" кафедраси:
Доцент — 1;
Катта ўқитувчи — 1.
4. "Ўзбек ва рус тиллари" кафедраси:
Ўқитувчи — 1.
5. "Конституциявий ҳуқуқ" кафедраси:
Доцент — 1;
Катта ўқитувчи — 1.
6. "Ижтимоий гуманитар фанлар" кафедраси:
Ўқитувчи — 1.
7. "Хорижий тиллар" кафедраси:
Катта ўқитувчи — 1;
Ўқитувчи — 1.
9. "Халқаро ва сиёсий ҳуқуқ" кафедраси:
Доцент — 1.
10. "Фуқаролик процесси" кафедраси:
Доцент — 1.

**Танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим:**

1. Ректор номига ариза;
2. Ходимларни ҳисобга олиш бўйича шахсий варақа;
3. Олий маълумоти, илмий даражаси ҳақидаги дипломлар, илмий унвонлар ҳақидаги аттестатлар нусхалари;
4. Илмий ишлар рўйхати.

**Танловга ариза бериш муддати эълон чиққан кундан бошлаб бир ой.**

**Манзил:**
**Тошкент шаҳри, Сайилгоҳ кўчаси, 35-уй, 9-хона.**
**Телефон: 236-09-39, 233-66-36.**

● Банк ҳаёти

# АСОСИЙ МАҚСАД — аҳоли фаровонлигини таъминлаш

**Марказий банкнинг Самарқанд вилояти Бош бошқармаси бошлиғи ўринбосари Абдувоҳид ТАМИҚАЕВ билан суҳбат**

**— Абдувоҳид Улашбоевич, суҳбатимиз аввалида вилоятда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бўйича тижорат, банклари томонидан олиб борилаётган ишлар борасида тўхталсангиз...**

Тижорат банклари томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш мақсадида кенг кўламда ишлар олиб борилмоқда.

Хусусан, 2007 йил давомида вилоятимиз кичик бизнес субъектлари томонидан тижорат банкларига тақдим этилган жами 66367,4 миллион сўмлик 7290 та лойиҳа молиялаштирилди.

Шундан 65 141,0 миллион сўми тижорат банкларининг ўз маблағлари ҳисобидан ҳамда 1226,4 миллион сўми бюджетдан ташқари жамғармалар ҳисобидан берилган. Тижорат банкларининг ўз маблағлари ҳисобидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига 2007 йил учун белгиланган режа кўрсаткичлари бўйича 34281,0 миллион сўм кредитлар ажратилиши кўзда тутилган бўлиб, амалда 65141,0 миллион сўм ажратилди ёки режа 190,1 фоизга, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан эса 149,5 фоизга кўп бажарилди. Натижада ажратилган кредитлар ҳисобига 3190 та янги иш ўринлари яратилди.

**— Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни молиявий қўллаб-қувватлашни рағбатлантиришга қаратилган Президентимизнинг фармонлари, қарорлари ҳамда Вазирлар Маҳкамаси қарорлари талабларининг бажарилиши юзасидан олиб борилаётган ишлар хусусида фикрингизни билмоқчи эдик...**

— Президентимизнинг 2006 йил 23 мартдаги **"Шахсий ёрдамчи деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларини кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"**ги Қарори ижросини таъминлаш мақсадида вилоят тижорат банклари томонидан 2007 йил учун белгиланган режа бўйича жами 3400,0 миллион сўм кредитлар ажратилиши кўзда тутилган бўлиб, амалда 5109,2 миллион сўм миқдорида имтиёзли кредит маблағлари ажратилди ёки режа 131,0 фоизга бажарилди. 5124 та кам таъминланган оилага 7497 та йирик шохли чорва моллари билан таъминланди.

**— Президентимизнинг "Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"-ги Қарори амалда қандай бажарилмоқда?**

— Ушбу қарор ижросини таъминлаш мақсадида этиш мақсадида тижорат банклари томонидан 2008 йил 1 январь ҳолатига жами 3584 та ёш оилага 8994,6 миллион сўмлик кредитлар ажратилган бўлиб шундан:

— 180 та ёш оилага 4160,8 миллион сўмлик уй-жой қуриш ва сотиб олиш учун ипотека кредитлари;

— 1716 та ёш оилага 2249,0 миллион сўмлик истеъмол кредитлари;

— 1688 та ёш оилага 2584,8 миллион сўмлик микрокредитлар ажратилди.

Ажратилган микрокредитлар ҳисобига 1497 та ёш оила аъзоси янги иш ўринлари билан таъминланди.

**— Аҳоли ўртасида пластик карточкалар орқали ҳисоб-китобларни ривожлантириш хусусида ҳам тўхталсангиз?**

— Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 24 сентябрдаги **"Пластик карточкалар асосида ҳисоб-китоб қилиш тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"**ги ҳамда Президентимизнинг 2006 йил 3 августдаги **"Пластик карточкалар асосида накд пулсиз ҳисоб-китоб тизимини янада ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида"**ги қарорлари асосида Самарқанд вилоятида пластик карточкаларда тўлов тизимини кенгайтириш прогноз режалари белгилаб олинган.

Шунга кўра, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ҳамда Ўзбекистон Республикаси Банклари Ассоциацияси билан келишган ҳолда 2008 йил 1 январь ҳолатига вилоятдаги тижорат банклари томонидан аҳолига чиқарилган пластик карточкалар сони 222306 донани, ўрнатилган терминаллар сони 918 тани ташкил этди. Жойларда терминаллар ўрнатилган барча савдо-хизмати кўрсатиш корхоналарида "UZKAPT" банклараро тўлов тизимининг логотипи мавжудлиги устидан доимий мониторинг амалга оширилмоқда. [t]

**Суҳбатдош:**
**Азим ҚОДИРОВ,**
**"Инсон ва қонун" мухбири**

● Матонат

# ЧЎҚҚИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН

(Давоми. Боши биринчи бетда)

Илёс суҳбатлашишимиз олдидан ҳам баландликдан тушиб келди. Илёснинг хусусий фирмаси саноат альпинизми билан шуғулланади. Навбатдаги мижознинг буюртмасини бажариб, пойтахтимизнинг Кўкча мавзесидаги кўп қаватли уйларнинг бирига реклама лавҳасини ўрнатаётган экан.

— Айрим пайтларда ишчи кучи етишмай қолади. Шунда қараб ўтирмайман, — дейди Илёс узр оҳангида оловранг коржомасини қоқаётиб.

Ишчи кучи етишмаслиги бор гап, аммо асосий сабаб альпинистни доимо баландлик чорлаб туришини, кейинроқ, суҳбат давомида англадим. Ана шу чорлов сабабми, бундан ўттиз йил олдин қизиқиш билан спорт клубига келган Илёс спортнинг бу турига бир умр боғланиб қолганди.

Кейинчалик мамлакатнинг кўзга кўринган альпинистларидан бири сифатида ном чиқарди, 118 марта турли баландликларни забт этди. Эверест чўққисига юришга биринчилар қаторида таклиф этилди. 2004 йил Эверестга элтувчи ўн олти йўналишнинг энг мураккабларидан бири шимолий девор бўйлаб чўққига чиққан Россия экспедицияси таркибида ҳам иштирок этди. Бу оламшумул спорт қаҳрамонлиги учун Ватанимизнинг "Меҳнат Шуҳрати" ордени билан тақдирланди. Шахсан Непал қироли қўлидан ҳам олтин медаль олишга сазовор бўлди.

Альпинистлар турли касб эгалари, ҳамма қатори уларнинг ҳам ўз ҳаёти, қувонч ва ташвишлари бор.



— Ҳаётимда эришган ютуқларимнинг барисини альпинизм туфайли деб биламан. Чунки спортнинг бу тури кишида довюраклик, ирода ва саботни тарбиялайди.

Дарвоқе, Илёс физик-мутахассис, институтни битириб, машҳур физик олим, академик Шавкат Воҳидов қўлида ишлаб, илмий изланишлар олиб борган, ўнга яқин ихтиролар муаллифи.

Спортнинг бирон тури билан шуғулланадиган ёки ишқибозлик қиладиган одамлар жуда кўп. Аммо ўзи севган спорт турининг ривожланиши учун жон куйдириб, фидойилик қиладиган кишиларнинг матонат ўзгача.

Илёс 145-мактаб базасида альпинизм билан шуғулланиш учун шароит яратиб, иштиёқманд болаларга мураббийлик қиляпти. Ҳозир унинг тўгарагида элликка яқин ўқувчилар шуғулланаяпти. Тўгаракда қатнашиш бепул, ижара ҳақи ва бошқа сарф-харажатлар ўзининг хусусий фирмаси ҳисобидан.

— Болаларимиз кўчада бекор юришмасин, дейман, — дейди у. — Бекорчиликнинг оқибати нима билан тугаши маълум. Қолаверса, хайрли ишларни амалга оширишда ёлғиз эмасман, ўз ёрдамини таклиф қиладиганлар жуда кўп. Яқинда бир гуруҳ ўсмирларни шундай сахий кишилардан бири кўмагида тоққа олиб чиқдим. Ўша тоғ сафаридан қайтаётганда болаларнинг кўзлари қувончдан қандай порлаганини кўрсангиз эди...

Бу болалар бир неча йиллардан кейин, шубҳасиз, Илёс тренерлик қилаётган альпинистлар клубига қатнай бошлайдилар.

— Кўп ёшларга мураббийлик қиляпман, афсуски, баъзилар бир-икки йил шуғулланиб кейин ташлаб қўйишади. Аммо мен ҳақиқий альпинистларни излайвераман...

Илёс ана шу изланишларининг натижаси — ўн чоғли шогирдини забардаст альпинист деб ҳисоблайди. Улар билан... Антарктидани забт этишга ҳам қўрқмай борса бўлади. Ҳа, бу унинг орзуси. Антарктидага ҳам Ватанимиз Ўзбекистон экспедицияси боришини, у ерга ҳам байроқ тикишни истайди. Бу орзуси рўёбга чиқишига шубҳа қилмайди ҳам, шижоатли альпинистлар тайёр, ҳомийлар қўллаб-қувватласа бас.

Суҳбатдошим Эверест экспедициясидаги бир воқеани айтиб берди.

Эверест пойидаги базаларда, йўлларда учрашган турли мамлакатлардан келган кишилар бирбири билан маҳаллий тилда "Намасте" деб саломлашар экан. Экспедициямиз аъзолари уларга ҳар гал "Ассалому алайкум" деб жавоб беришибди. Йўловчилар тушунмай ҳайрон боқишибди. Ўзбекистонликлар чўққини забт этиб қайтаётганларида эса йўлда учраганлар уларни "Ассалому алайкум" деб қарши олишибди...

Илёс Тухватуллиннинг бу гапларига изоҳнинг ҳожати бўлмаса керак.

**Шарофат ЙЎЛДОШЕВА**

***Анатолий Шабанов,***
***Ўзбекистон альпинистлар ва қоя забткорлари (скалолаз) федерациясининг масъул котиби:***

*— Федерациямиз ташкил топганига ўн бир йилдан ошди. Ўтган давр ичида федерация томонидан мамлакатимизда спортнинг бу турини ривожлантириш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Шу ишларнинг натижаси ўлароқ, 1997 йилда мамлакат терма командаси Марказий Осиёдаги энг баланд учта чўққини забт этди.*

*1998 йил Эверестга Ўзбекистон байроғини тиккан 15 кишилик экспедиция аъзоларининг барчаси Ватанимиз орден ва медаллари билан мукофотландилар.*

*1999 йил Ҳимолай тоғининг шимолий деворида йўналишида экспедиция ташкил қилинди.*

*2001 йил саккиз нафар ўзбек альпинистлари Ғарбий Европада энг баланд ҳисобланувчи Монблан (Франция) тоғликларининг бешта чўққисини бир йўла забт этди.*

*2005 йил май ойида Рустам Ражабов ва Алексей Докукин Шимолий Америкадаги Мак-Кинли чўққисига кўтарилдилар.*

*2004-2007 йиллар давомида Марказий Осиё кубогининг турли босқичларида жами 54 медалнинг 29 тасини ўзбек альпинизм мактаби тарбияланувчилари қўлга киритдилар.*

*Альпинизм мудофаа ва саноатда ҳам тобора катта аҳамият касб этиб боряпти. Альпинистлар геодезист, геолог, гидроэнергетикларга илмий сафарларда, лойиҳалаштириш ва қурилиш ишларида ёрдам беряптилар.*

*Ватанимиз сарҳадларининг анча қисми тоғлардан ўтгани боис Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати ходимларининг тоғли ҳудудларни ва альпинизм техникасини билиши талаб этилади. Ватан посбонларининг бу борадаги кўникмаларини шакллантиришда ҳам бажонидил ёрдам беряпмиз.*

*Қурилиш-монтаж ва таъмирлаш ишларида саноат альпинизми кенг ривожланиб боряпти. Федерация ва клубларимизда бу соҳа учун ҳам кадрлар тайёрлаш йўлга қўйилган.*

*Айни кунда мамлакатимизда жами 450 киши, жумладан, 200 нафар йигит-қиз альпинизм билан мунтазам шуғулланяптилар.*

*Албатта, спорт ривожини ҳомийлар кўмагисиз тасаввур этиб бўлмайди. Эверест сафарига ҳомийлик қилган "STEINERT INDASTRI" корпорацияси ўз кўмаги билан федерация тадбирларини доимий равишда қўллаб-қувватлаб келмоқда.*

**Қари билганни пари билмайди, деган гап рост экан. Бўлмаса, саксонни қоралаган кампир бундан анча олдин туман газ идорасидан вакиллар келиб, ўз шахсий иссиқхонасига юқори босимли газ қувурини ўғирлик йўли билан ноқонуний улаб олганлиги учун қувурни кесиб, жарима қилиб кетганда ўғлига:**

● Афсус

# ГАЗ ЎҒРИЛАРИ



— Болам чакки қилаяпсан. Қўй бу ишингни. Ахир қинғир ишнинг қийиғи қирқ йилдан кейин ҳам чиқади. Бойликнинг ҳалолидан берсин. Ўғирлик, ғирромлик билан топилган бойликнинг баракаси бўлмайди, — деганди.

Онаизор ўғлига ўшанда ҳақ гапни айтганди...

Бироқ, нафс балосига йўлиққан ўғилнинг кўзига иссиқхонадан келадиган ҳар кунги жарақ-жарақ пул кўринди-ю, лекин оқ сут бериб ўстирган онасининг зорланиб гапирган тўғри гапи қулоғига кирмади.

Гоҳида ҳайрон қоласан киши. Айрим кимсалар пулга, давлат орттиришга меҳр қўйиб, бойлик топиш йўлида ҳеч нарсадан тоймайди. Босар-тусарларини билмай қоладилар. Бундан ташқари, бу тоифадаги одамлар ҳаётимиз мезонини белгилаб берадиган қонун-қоидаларни ҳам писанд қилмай қўяди.

Бир ой олдин ўз шахсий ҳовлисига ҳеч бир ҳужжатсиз, тегишли ташкилотларнинг рухсатини олмай, ўзбошимчалик билан, қонунга зид равишда 0,5 гектар жойга иссиқхона қуриб олган Каттақўрғон тумани "Жумабой" қишлоқ фуқаролар йиғинига қарашли "Ойжон" қишлоғида истиқомат қилувчи Мутал Турдиев санг устига порсанг деганларидек, уйи олдидан ўтадиган ўрта босимли газ қувуридан ўғирлик йўли билан иссиқхонасига газ улатиб олгани учун Жиноят ишлари бўйича Каттақўрғон туман судининг ҳукмига кўра жаримага тортилганди. Халқимизда сутдан оғзи куйган, қатиқни пуфлаб ичади, деган мақол бор. Лекин Мутал Турдиев бу мақолга ҳам риоя қилмай, ўзининг хурмача қилиғини давом эттириб, яна ўғирлик йўли билан иссиқхонасига газ улаб, ноқонуний фаолиятини давом эттираверди.

Кўза кунда эмас, кунида синади, деган гап бор. Яқинда туман прокуратураси ҳамда газ идораси ходимлари коммунал тўлов масаласини текшираётганда Мутал Турдиев ўғирлик йўли билан табиий газдан ўз шахсий иссиқхонаси учун фойдаланаётганлиги ошкор бўлди. Бу сафар Муталбойнинг хурмача қилиғи қимматга тушди. Туман прокуратураси ўз қилмишидан тегишли хулоса чиқармаганлиги ва қонунни писанд қилмаганлиги учун унинг аввалги ишини қайта кўтариб, унга нисбатан жиноят иши қўзғади. Қовун-қовундан ранг олади, деганларидек шу қишлоқда яшовчи Ғулом Қобилов ҳам ҳамқишлоғи Мутал Турдиевга қараб, 0,3 гектар ерга иссиқхона қуриб, қонунга хилоф равишда, ҳеч қандай ҳужжатсиз табиий газдан ўғирлик йўли билан фойдаланиб келаётган экан. Ғуломбой ҳам бир эмас, иккинчи маротаба қонунни писанд қилмай, ўзбошимчалик қилганлиги учун ўзига тегишли жазони олди...

Агар белгиланган қонун-қоида шоҳга ҳам, гадога ҳам баробар эканини унутмасак, унинг талабларига риоя қилиб яшасак, ҳеч биримиз қоқилмаймиз.

Йўқ, айрим кишилар ўзгача йўл тутишни афзал кўрадилар. Улар турли қинғир-қийшиқ йўллар, найрангбозлик ва кўзбўямачилик билан бойишни афзал кўришади. Бироқ бузоқнинг югургани сомонхонагача, деган гап ҳам бор. Ҳали ҳеч ким қонунни бузиб ёки уни четлаб ўтиб барака топмаган. Аксинча бу нопок йўлга кирган одам борки, эл-улус ўртасида шарманда бўлиб, аро йўлда қолган.

Ахир тонг отиши, кун ботиши муқаррар бўлгани каби, қонунни бузган киши ҳам бир кун келиб жавоб бериши бор гап. Қонун ҳамма учун баробар. Уни бузишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ.

**Ҳабибжон ЧИННИЕВ,**
**Жиноят ишлари бўйича Каттақўрғон туман судининг раиси**

*Саёҳатингизни «Ўзбекистон ҳаво йўллари» билан бирга режалаштиринг!*

UZBEKISTAN airways



**Янги қатнов!**

Тошкент **ДУБАЙ** Тошкент

Қатновлар ҳафтада бир марта жума кунлари
А-310 самолётларида бажарилади.
Биринчи, бизнес ва иқтисод класслари Сизнинг хизматингизда.

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| **HY 333** | A310 | ----5-- | 07-55 | 10-30 | **HY 334** | 12-30 | 16-35 |

Маълумотлар учун телефонлар: (998 71) 140 - 02 00. www. uzairways. com

*«Ўзбекистон ҳаво йўллари» - хавфсизлик, барқарорлик, қулайлик!»*

### Дўст — дўстга кўзгу

— Бугун сенинг туғилган кунинг. Ана шу қадаҳни сенинг бахтинг, келажагинг, ажойиб оила сардори бўлишинг учун кўтарамиз, — деди Даниэлни табриклаган Шуҳрат.

Рустам ҳам дил сўзларини баён этди. У ўртоқликнинг кўзи камдан-кам янглишиши, дўст — дўстга кўзгу эканлигини тўлиб-тошиб гапирди. Учовлон бир шиша арок таъсирида ёноқлари қизариб, кайфлари чоғ бўлди. Шундан кейин йигитлар яқин атрофдаги дўкондан музқаймоқ истеъмол қилишди. Рустам эса бир шиша "Браво" пивосини бўшатди.

Дўстлар уйларига тарқалишганда, соат тунги 23 ларга яқинлашиб қолган эди.

● Жиноят ва жазо

**Тенгқур дўстлар — Рустам, Даниэл Садиев ва Шуҳрат Файзиевлар Когон шаҳрида яшайди. Даниэл ўзининг таваллуд топган куни шаҳар бош бекати ёнида жойлашган "Ўткир" қаҳвахонасига дўстларини чорлади.**

# ЁВУЗЛИК УВЛАГАН ТУН



### Ғаразли ташриф

Жаҳонгир Муратов Рустамнинг синфдоши. У Тошкентда ўқийди. Яқинда Рустам пойтахтга борганида бир кеча синфдошининг уйида тунади. Улар болаликни соғиниб, энтикиб-энтикиб дардлашди. Суҳбат жараёнида Рустам Жаҳонгирнинг онаси Когондаги ҳовлида ёлғиз яшаётганини эшитди. Ана шунда унинг миясида ёвуз фикр куртак отди. Унинг кўз ўнгидан Солия опанинг бойликлари ўта бошлади. Худди бирданига бойиб кетгандек энтикиб қўйди...

Ширакайфлиги таъсир қилдими, ақли заифлашиб қолдими, лоп этиб унинг калласига Жаҳонгирнинг онаси Солия Муратова яшайдиган "Саодат" кўчасига бориб, мол-мулкини талон-торож қилиш, пулларини ўмариш фикри келди. Хонадон соҳибаси Рустамни танийди. У ёвуз режасини амалга ошириш учун уйидан бир жуфт қора рангли қўлқопни, қўрғошиндан ясалган қўлбола "кастет", қора бош кийими, спорт сумкасини олиб чиқди. Бувисига компьютер ўйинига бораётганлиги, уни кутмаслигини айтишни ҳам унутмади.

Тун яримдан оққан. Баҳор кечаси сукунат оғушида. У Солия Муратованинг уйига орқа томонидан бориб, деворни мушти билан ура бошлади.

— Киравермайсанми, Рустам. Тинчликми? Нима гапинг бор? — деди Солия орқа эшикни очаркан.

— Сизда ишим бор эди. Бугун Жаҳонгир билан телефонда сўзлашгандим, — деди Рустам.

Рустам уйга кирди. Бу орада Солия Жаҳонгирга телефон қилиб, қаёққадир чиққанлиги боис унинг ўртоғи билан гаплашди. Бу орада мудҳиш мақсадни режалаштирган Рустам стол устидаги пичоқни усталик билан енги орасига тиқишга улгурди. Солия Муратованинг қизи Нилуфар ичкари уйда ширин уйқуда эди.

Хонадон соҳибаси Рустамни кузатиб чиққан пайтда у кутилмаганда Солиянинг жигар соҳасига пичоқ урди. У бақириб юборди. Шошиб қолган Рустам Солия Муратованинг дуч келган жойига пичоқ ура бошлади.

Солия Муратованинг жони узилгач, Рустам уйга кирди.

Шу пайт шовқин-сурондан уйғониб кетган Нилуфар хона эшигини қия очиб, жон таслим этган онасини кўргач, йиғи аралаш бақириб юборди. Рустамнинг уйга кираётганини кўрган қиз ётоқхонаси томон қочди. Ўзини темир кроватга ташлаб, устига кўрпа ёпиб олди. Ҳаш-паш дегунча қотил унинг ёнида пайдо бўлди. Устидаги кўрпани итқитиб, Нилуфарнинг кўкрак қисмига зарб билан пичоқ урди. Қиз ҳарчанд қаршилик кўрсатмасин, унинг чангалидан қутулишнинг иложи йўқ эди...

Тун гўё ёвузликдан инграётгандай, увлаётгандай эди. Ҳатто само шу лаҳзаларда қора либос кийиб олгандай, ой ёруғи хира тортиб турарди.

### Шум хабар

Ўша куни саҳармардонда Когон шаҳри бўйлаб яшин тезлигида қотиллик ҳақида шум хабар тарқалди.

Кимдир Рустам Шамсиевни: "Нокас, шунчалик паст кетасанми? Онанг тенги аёлни, синглинг қатори ўн гулидан бир гули очилмаган ғунчани сўлдиришга кучинг етдими?", деб ҳақоратлади. Яна кимдир; "Аблаҳ; онанг кўксидан қон эмиб улғаймагандирсан, оқ сут эмгандирсан", деб лаънатлади. Кексалар: "Бағринг тошмиди, ифлос. Сендақалардан одам зоти ҳазар қилади", дея қарғанди. Лекин нима бўлганда ҳам бўлар иш бўлиб, бўёғи қониб бўлган эди.

Жиноят ишлари бўйича Бухоро вилояти суди ҳукми билан Рустам Шамсиевга 20 йил озодликдан маҳрум этиш жазоси тайинланди.

Она алласи билан бешикда улғайган одам боласи нега бу қадар ёвузлашиб кетди? Ёвузлик ҳамиша шафқатсизлик ва заифликдан келиб чиқади. Бундай кимсаларга орамизда ўрин бўлмаслиги керак.

**Саид ВОҲИДОВ,**
**Жиноят ишлари бўйича Бухоро вилояти суди судьяси,**
**Валижон ЮСУПОВ,**
**"Инсон ва қонун" мухбири**

**ЭЪЛОН!**

**Наманган вилояти адлия бошқармаси Наманган шаҳар 3-сон давлат нотариал идораси нотариуси лавозимига ҳамда Косонсой туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус лавозимига (қайта)**

**ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ!**

*Танловда нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияга эга бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари иштирок этишлари мумкин.*

**Танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим:**

*1. Комиссия номига ариза;*
*2. Паспорт нусхаси;*
*3. Белгиланган шаклда тўлдирилган шахсий варақа;*
*4. Меҳнат дафтарчасининг нотариал тасдиқланган нусхаси;*
*5. Нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг нотариал тасдиқланган нусхаси;*
*6. Охирги иш жойидан берилган меҳнат фаолияти тўғрисидаги тавсифнома.*
*7. Нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияга эга бўлиб, лекин уч йил мобайнида нотариус лавозимида иш бошламаган талабгор малака имтиҳонини қайта топширганлиги ҳақида малака комиссиясининг қароридан кўчирма.*

*Талабгор ўзининг касбий тайёргарлигини таърифловчи бошқа ҳужжатларни ёхуд уларнинг нотариал тасдиқланган нусхасини тақдим этиши мумкин.*

**Давлат нотариал идораси нотариуси ҳамда хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус лавозимига эълон чиққан кундан бошлаб, бир ой давомида вилоят адлия бошқармасига мурожаат этишлари лозим.**

**Наманган вилояти адлия бошқармаси телефони: (8369) 226-26-73.**

**Сирдарё вилояти адлия бошқармаси ҳузуридаги нотариат буйича малака комиссиясининг 2008 йил 15 майдаги 4-сонли йиғилиши қарори билан Сирдарё туманинг 1-сон Давлат нотариал идорасининг давлат нотариуси Ниязов Шавкат Халметовичга 1997 йил 20 июнь куни берилган SI 000006 рақамли нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензининг амал қилиши икки ой муддатга тўхтатилди.**

**Фарғона вилояти адлия бошқармаси қошидаги нотариат бўйича малака комиссиясининг 2008 йил 7 майдаги қарори билан Марғилон шаҳар давлат нотариал идораси нотариуси Д.Маруповга 1998 йил 20 июль кунида берилган FE 000055 рақамли лицензиянинг амал қилиш муддати вақтинча тўхтатилди.**

TURON BANK

**ИНСОН ва ҚОНУН**

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
1996 йилнинг январидан нашр этилади

2007 йил 3 январда Ўзбекистон Матбуот ва Ахборот агентлигида 0081-рақам билан рўйхатга олинган

Бош муҳаррир: Қўчқор НОРҚОБИЛ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Аҳмедов Абдуҳалим Абдураимович
Мустафаев Бўритош Мустафаевич
Ражабова Мавжуда Абдуллаевна
Махмудов Лазизжон Мирзаевич
Рахмонов Абдукамол Шодиевич
Маматов Шоди Суюнович
Матрасулов Давлатназар Раҳимбергановичч
Саидов Шокир Камолович
Ҳамроев Ислом Ҳамзаевич

Навбатчи: Алимурод ТОЖИЕВ
Саҳифаловчи-дизайнер: Фарҳод ХЎЖАНАЗАРОВ

Индекс: 646882
«ИНСОН ВА ҚОНУН» ҳуқуқий газетаси таҳририяти компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. А-2 бичимда, 2 босма табоқ ҳажмда, офсет усулида «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди.
Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси 41-уй.
Буюртма Г-315. Тиражи — 12988. [t] — тижорат мақола.
Босишга топшириш вақти — 21.00. Топширилди — 21.00

МАНЗИЛИМИЗ: 100047, Тошкент ш. Сайилгоҳ кўчаси-5.
Тел: 233-84-50, Факс: 233-95-31.
1 2 3 4 6 7 8